

Д. ЖАББОРОВА, Г. ЭРГАШЕВА,
Х. ЭРГАШЕВА

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИДА ИНГЛИЗ
ТИЛИНИ ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ**

**ENGLISH
FOR
KIDS**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИДА
ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ
МЕТОДИКАСИ

(ўқув қўлланма)

5A111801-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(мактабгача таълим)

Наманган - 2021

Мақтабгача таълим ташкилотларида инглиз тилини ўргатиш

методикаси

Г.Эргашева, Д. Жабборова, Х.Эргашева

Мазкур ўқув қўлланмада мақтабгача таълим ёшидаги болаларни инглиз тилида гапиришга ўргатишда турли дидактик ўйинлар, ўқитиш методлари, технологияларни танлаш, муаммоли машқ ва вазифалар ҳажмини танлаш, болаларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини қўллашга қаратилган дидактик воситалар мажмуасини ишлаб чиқиш орқали инглиз тилини ўргатишнинг замонавий ҳам хориж тажрибалар асосида ўргатиш методикаси масалалари ҳақида сўз юритилади.

Ўқув қўлланма мақтабгача таълим ташкилотларида болаларнинг иккинчи тилини ўргатувчи инглиз тили тарбиячилари,ота-оналар, тарбиячилар ва олий ўқув юргларининг мақтабгача таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

5A111801-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (мақтабгача таълим)

Тақризчилар:

З. Содиков ф.ф.д.,доцент Нам ДУ

Ф. Ўринова п.ф.н.,доцент ФарДУ

Х. Юсупова Наманган вилояти мақтабгача таълим бошқармаси бошлиғи

М. Хаджаева Фарғона вилояти мақтабгача таълим бошқармаси бошлиғи

Методика обучения английскому языку в дошкольных организациях

Г. Эргашева, Д. Жаббарова, Х. Эргашева

Данное пособие основано на современном и зарубежном опыте преподавания английского языка посредством разработки набора дидактических инструментов для обучения детей дошкольного возраста говорить на английском языке с помощью различных дидактических игр, методов обучения, выбора технологий, упражнений и задач для решения проблем, использования объективной оценки знаний детей, обсуждаются методические вопросы.

Учебник предназначен для учителей английского языка, родителей, воспитателей и учащихся дошкольных учреждений высших учебных заведений, обучающих детей второму языку в дошкольных образовательных учреждениях.

5A111801-Теория и методика воспитания (дошкольное образование)

Рецензенты:

Содиков З., к.э.н., доцент Нам Д.У.

Ф.Уринова п.ф.н., доцент ФарДУ

К. Юсупова - начальник Наманганского
Областного управления дошкольного
образования

М. Хаджаева - начальник Наманганского
областного управления дошкольного
образования

КИРИШ	5
‘Тет тил ўқитиш - бола ривожланиши компетенцияси сифатида	8
Микгабляча таълим ёшдаги болаларга хорижий тилларни ўргатишда интерфаол методлар ва ўйинлар	16
Саломлашув. Танишув (1-4 машғулотлар)	56
Хайвонлар (5-8 машғулотлар)	77
Менинг оилам (9-12 машғулотлар)	96
Ўйинчоқлар (13-16 машғулотлар)	113
Фойдаланилган адабиётлар	135
Глоссарий	137

СОДЕРЖАНИЕ

ВВЕДЕНИЕ	5
Преподавание иностранного языка как компетентность для развития ребенка	8
Интерактивные методы и игры в обучении детей дошкольного возраста иностранным языкам	16
Приветствую. Введение (Уроки 1-4)	56
Животные (Уроки 5-8)	77
Моя семья (уроки 9-12)	96
Игрушки (уроки 13-16)	113
Список литературы	135
Глоссарий	137

КИРИШ

Бугунги кунда мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог ва тарбиячилар билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш ҳамда бу соҳада замонавий талабларга жавоб берадиган илғор педагогик усул ва услубларни ишлаб чиқиш, ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш ва нашр этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш гоят долзарб вазифадир.

Давлатимиз томонидан бу соҳани такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг ҳукукий асоси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли, 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарорлари ҳамда 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сон фармони дир. Булар ўз навбатида интеллектуал, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Ушбу фармон ва қарорлар мактабгача таълим тизими моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог ва тарбиячилар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, фарзандларимизни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш каби долзарб масалаларни ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашувўсиб бораётган бола шақини ҳаётга тайёрлаш, унда ҳаётий муҳим масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган, ахлоқий меъёр ва кадриятларни ўзлаштириш, бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш, «Мен» образини қуриш билан боғлиқ бўлган фаолият усуллари шакллантиришга тайёргарликни кўзда тутати. Бошланғич муҳим компетенциялар боланинг фаолият ва ахлоқ субъекти сифатидаги яхлит ривожланишини талаб этади.¹

Узлуксиз таълим тизимида тилларни ўргатиш - ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Замонавий бозор иқтисодиёти ва ахборот технологиялари тараққиёти шароитида чет тил ўрганишга эҳтиёж кучайди. Маданиятлараро мулоқот воситаси сифатида чет тил ўрганиш давр талабига айланди. 2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти қабул қилган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"²ги Қарори бу соҳанинг истиқболлини белгиловчи давлат ҳужжатидир. Қарорга кўра, чет тилни барча умумий ўрта таълим мактабининг 1-синфидан бошлаб оммавий тарзда ўрганиш жорий этилди.

Чет тилида нутқий фаолият юритиш бола шақини шакллантиришга йўналтирилади, яъни ўрганилаётган тил соҳиби яратган маданий меросни ўзлаштиришга эришилади. Тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув жараёнида бола олдин эгаллаган ижтимоий, маданий, лисоний, эмоционал тажрибасини бойитади. Мулоқотдош (коммуникант)ларнинг бир-бирини тушунишлари чет тилини билишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Таълим тизимидаги бошқа фанлардан чет тилнинг фарқи бир пайтнинг ўзида, унинг ҳам таълим мақсади, ҳам таълим воситаси эканлигида намоён бўлади. Чет тилда нутқий малакалар (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)ни эгаллаш таълимдан кўзланадиган мақсад бўлиши билан бирга, ўрганилаётган тил

¹ Ўзбекистон республикаси мактабгача таълим вазирлиги "Йил кадам" Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўкув дастури Тошкент -2018 йил

² I. Karimov., PQ-1875-son. 2012 yil 10 dekabr, Toshkent sh..

янги ва фойдали ахборот (информация) олиш, етказиш воситаси мақомини ҳам олади. Бола (эсолиер) фақат мулоқотдош сифатида эмас, балки ахборот соҳиби (когнизант) мақомида ўрганилаётган тилдан фойдаланади. Тилни ўрганиш чоғида бола лингвистик билимлар тўплаш билан эмас, балки нутқий ва маданий малакалари (компетенсияси)ни ошириш билан машғул бўлади. Коммуникатив фаолият кўрсатиш, шаклга йўналтирилган, компетенсияни эгаллашга мўлжалланган интегратив ёндашув асосида чет тил ўргатилади. Чет тил таълимида коммуникатив - кумулятив метод татбиқ этилади. Хорижий Ғарб лингводидактикаси истилоҳида буни маданиятлараро мулоқот йўналиши номи билан юритилади. Когнитология, концептология, лингвокултурология ва бошқа замонавий фанларнинг сўнгги ютуқлари асосида мазкур методик назария шаклланган ва кенг қўламда жорий этилмоқда.

Чет тили ва маданият яхлит (интеграциялашган) ҳолда ўргатилади

Чет тилида ўрганиладиган лисоний (лексик, грамматик, талаффуздаги) бирликда лингвомаданий хусусиятлар тажассум тошган ва нутқий жараён (дикурс)да уларга бола эътибори қаратилади. Мазкур методик қоида доирасида чет тил ўқитиш мақсади ва мазмуни белгиланади.

ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТИШ - БОЛА РИВОЖЛАНИШИ КОМПЕТЕНЦИЯСИ СИФАТИДА

Ўқитиш мазмуни жаҳонда эътироф этилган дидактик таълимотга биноан билим, кўникма ва малакаларни ўз ичига олади. Чет тилини амалий ўрганишда лингвистик назарий билимлар умуман баён этилмайди. Билим тил материаллини билиш (кўникма) ва уни ўзлаштиришда юз берадиган кийинчиликларни оддий сўзлар билан содда тилда тушунтириш, яъни хатоларнинг олдини олишга қаратилган кўрсатма маъносини билдиради. Кўникма таркибига кирадиган амалий қоида она тили ва чет тилда фарқланадиган ёки тил ички интерференциясини келтириб чиқарадиган чет тил ҳодисалари бўйича берилди (масалан: артикл (она тилида йўк), отнинг кўплик шакли (бирлик шакли лексик бирлик ҳисобланади) ёки франсуз тилидаги отнинг кўплик шакли, қаратқич келишиги, феълнинг содда ҳозирги замондаги учинчи шакл бирлик шакли (ҳар учаласи [з], [с], [из] қабилида талаффуз этилади ва тил ички интерференциясига сабаб бўлади).

Ўқитиш мазмуни компонентларидан тил материали ўрганилмиш чет тил системасидан минимум сифатида танланади (бола учун у лисоний максимум ҳисобланади). Минимум тил ўргатиш учун зарур ва етарли бўлмоғи керак. Танланган минимумдаги лисоний бирликларни ўзлаштиришда кийинчилик туғдирадиган қисмигина тил материалнинг ўргатиш мазмунини ташкил этади ва ўқув дастуридан ўрин олади.

Чет тил ўқитиш мазмуни уч таркибли таълимий ходисадир:

- 1) нутқ мавзулари;
- 2) кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар;
- 3) тил материали.

Ўқитиш мазмуни мавжуд шароитга кўра, жумладан, ўқув предметига ажратилган вақтга қараб танланади.

Умумий ўрта таълим мактабида чет тил ўқитиш шароитини ҳисобга олган ҳолда "Чет тилни эгаллаш даражаларининг европа системаси"даги тилни элементар (Басис усер) даражада ўрганиш

– ўргатиш тавсиясига биноан И - ИВ синфларда А1 - "Чет тилини ўрганишнинг бошланғич даражаси" (Бреактхроугх/С'уринивал левел), В-1 синфларда А2 - "Чет тил эгаллашнинг танич даражаси" (Wastage левел) маъқул топилди.

Мактабгача таълимда хорижий тил машғулоти. Ўқув кабенитида болалар диққат – эътиборини телевизор, компютер ва видеопроектор ўзига жалб қилиб туради. Турли оилавий шароитда туғилиб, онги шаклланаётган болаларнинг бири жуда зийрак, иккинчиси ўрта даражада, учунчиси эса қайта – қайти тушунтиргачгина қабул қилади. Қайси бола қандай бўлмасин, машғулотда ҳар бирига ўтиладиган мавзуга оид билим ва тушунча бериш керак.

“Ҳиронделле” машғулотлигида боланинг ёш хусусиятлари инобатга олинган. Тарбиячи-тарбиячилар бу ўқув адабиётидан амалиётда унумли фойдаланмоқдалар. Машғулотда кўпроқ ўйин ва мулоқот муҳитини яратиш керак. Чунки энди мактабга чиққан болада ўйнашга, ўйинчоқлар оламига, нарса-буюмларни ўз тасавури асосида бўяшга мойиллик кучли бўлади.

Машғулот жароёнида мультимедиа дастурларини ривожлантириш марказида яратилган электрон манбаларни намойиш этганда, болалар янада жонланади. Бунинг афзал томони шундаки, бола слайд орқали нафақат буюм ва нарсани кўриб, тасавури бойийди, балки франсузча талаффуз кўникмаси ҳам ҳосил қилинади. Хорижий тилни ўрганишда энг муҳим компонент – тинглаш, талаффуз қилиш, ўқиш – ёзиш ҳисоблади. Агар бола тоғри талаффуз қилишни ўрганса, ёзиш малакасини ҳам осон эгаллайди. Бир – бирига узвий боғлиқ бу жараёнларга машғулот ўтишда эътибор берилиши керак.

Болага ўз она тили билан бир вақтда чет тилини ҳам ўргатиш катта меҳнат талаб қилади. Ҳар бир таълим даргоҳи бу жараёнга анъанавий ва ноанъанавий тарзда ёндашади. Натижа эса йиллар ўтиб маълум бўлади.

Тинглаш, гапириш ва ўқиш – ёзиш.

Хорижий тилни ўргатишда болаларда ушбу малакаларни шакллантиришга алоҳида эътибор зарур.

Мана мустақиллика эришганимизга ҳам 29 йил бўлди. Шу йиллар ичида ҳар бир соҳада улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимида амалда бўлган “Таълим тўғрисида”ги қонун” миллий дастурига мувофиқ таълим мазмунини ўқув ва дастурлар асосида лойиҳалаштиришга янгича ёндашиш, ташкил этиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Тил одамларинг бир – бирлари била муомилада бўлиши учун ёрдам берадиган энг муҳим восита ҳисобланади. Одамлар тил воситасида ўз фикрларини, ҳис – туйғуларини ифодалайдилар. Инсоният жамиятнинг шаклланишида тилнинг роли биқиёсдир. Тил пайдо булгандан жамият тез ривожлана бошлаган. Тилсиз жамият, жамияциз тил бўлиши мумкин эмас, шунинг учун тил ижтимоий ҳодиса ҳисобланади, яъни тил якка одамга эмас, балки бутун жамиятга дахлдор бўлиб, шу жамият аъзолари ёрдамида шаклланиб, ривожланиб боради.

Чет тилининг ўргатишнинг барча асосий компонентлари (ўқитиш мақсади, метод ва воситалари, ўқув фан мазмуни) бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ. Чет тилига ўргатишнинг мақсади муомила асосларини яратишга, ўз фикрини эркин баён қилишга ва шунингдек оддий коммуникатив вазиятларда суҳбат олиб бориш малакаларидан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда биринчи навбат таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малақа, балки умуминсоний маданиятини ташкил қилувчи ижодий фаолият тажрибаси, теварак атрофга нисбатан муносабатларини ҳам киритиш масаласи катта аҳамият касб этади. Таълим жараёни нутқ фаолиятининг тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзишлардан иборат кўникмаларини шакллантиришга бўйсундирилган бўлади.

Чет тилини ўргатиш жараёнида янги замонавий педагогик технологиялар жорий этиш ва амалиётга тадбиқ этишни тақозо этмоқда. Айни пайтда амалиётда қўлланилаётган ва ижобий

натижалар бераётган бир қанча замонавий педагогик технологиялар мавжуд-ки, улардан чет тилини ўқитиш бўйича ўқув жараёнида қўллаш бир неча омилларни талаб этади. Шулардан энг муҳим таълим тизимига педагогик инновацияларни киритиш, улардан унумли фойдаланиш ва ривожланган давлатлардаги педагогик технологиялар марказлари ва улар фаолиятини ўрганиш асосида мамлакатимизда чет тилини ўқитиш бўйича замонавий педагогик ва ахборот технологияси марказларини очиш, улардан келажакда унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Таълим мақсади ижтимоий - педагогик ва лингводидактик тушунча сифатида чет тил ўқитишга татбиқан қуйидагича таърифланиши мумкин: мактабгача йўналишдаги ўқув предметларидан бўлмиш 2-чи тилни ўрганишга жамият ва давлатнинг ижтимоий буюртмаси шаклидаги таълим мазмунини белгилаш, ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва муайян натижаларга эришишни олдиндан аниқлаш воситасидир.

Чет тил ўқитишнинг амалий мақсадига эришиш йўлида умумтаълим мактаб курсида чет тил ўргатишнинг якуний амалий мақсади – тинглаб тушуниш ва ўқиш, яъни чет тилда тинглаб ва ўқиб ахборот олишдир. Оралиқ амалий мақсад турлича талқин этилади:

I-синфда тинглаб тушуниш ва гапириш амалий мақсад ҳисобланади; II-IV синфларда ҳам тинглаб тушуниш ва гапириш амалий мақсад, ўқиш ва ёзув оғзаки нутқда ўрганилган тил материални такрорлаш ва мустақамлаш воситаси;

Чет тил ўқитишнинг амалий мақсадига эришиш йўлида-нутқ фаолиятининг турлари учун мақус мавзулар ва тил материали танланади, ўқув вақтининг асосий қисми уларни ўрганишга бағишланади, яъни машқларнинг аксарияти ушбу нутқ фаолияти тур(лар)ида бажарилади. Амалий мақсадга лингвистик, *социолингвистик* нутқий (коммуникатив) ва лисоний, прагматик компетенцияларни эгаллаш орқали эришилади. Компетенция (лаёқат), маълумки, билим, кўникма, малака ва шақий белгилар

мажмуидан иборат. Компетенция таркибига кичик концепциялар киради. Лингвистик компетенцияда лисоний ходисаларнинг нутқда қўлланилиши назарга олинади. *Социолингвистик* компетенцияда мулоқот вазияти, мақсади ва мулоқотдошлар вазифасига мос тарзда фикр билдира олиш кўзда тутилади. *Прагматик* концепция коммуникатив вазиятда ўзини тута билиш (масалан, такроран сўраш, нутқий ва лисоний мураккаблик туғилганда ундан чиқа олиш) лаёқатига тааллуқлидир. Прагматик компетенция таркибидаги дискурсив компетенция оғзаки ва ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашга хизмат қилади. Амалий мақсаднинг рўёбга чиқишида ҳосил қилинган барча компетенцияларнинг узвий яхлитлиги (синтези) таъминланади. Амалий мақсаднинг рўёбга чиқишида бола таълим олади, тарбияланади ва унинг шаки ривожланади.

Чет тил ўқитиш умумтаълимий мақсадининг рўёбга чиқишида ўрганилаётган тил воситаси орқали фойдали ҳаётий ахборот ва тил ҳақидаги янги содда маълумотларни ўзлаштириш кўзда тутилади.

Боланинг умумий савиясини кўтариш, ўрганилаётган тил ва маданият ҳақида янги маълумотга эга бўлиш, мулоқот маданиятини юксалтириш, ақлий меҳнат усулларини қўллаш, фикрлаш қобилиятини ривожлантириш кабиларга эришилади. Ушбу мақсадни амалга оширишда асосан лингвистик, стратегик (компенсатор), ўқув-когнитив, дискурсив лаёқатлар такомиллашади. Бошқа фанлар қаторида чет тил ҳам мажбурий ўқув предмети мақомида умумий таълим бериш/олишга ўз ҳиссасини қўшади. Умумтаълим объекти учта: тил ходисаси, унга оид тушунча ёки содда қоида ва энг муҳими, чет тилдаги дискурс мазмуни.

Чет тил ўқитишнинг тарбиявий мақсади. Болаларга ғоявий тарбия бериш, ақлий меҳнат малакаларини сингдириш, уларнинг билиш фаоллигини ошириш мазкур мақсаднинг моҳиятини ташкил этади. Тарбиявий мақсад асосан, икки йўл билан рўёбга чиқарилади: (1) бевосита чет тилда саломлашиш,

хайрлашиш, предмет ва ҳодисаларнинг номларини билиш, шър ва ашула айтиш, ўйинлар бажариш кабилар, айникса, дастлабки машғулотларда болаларга анча кизикарли юмуш саналади; (2) мулоқот чоғида бир-бирларига одоб доирасида муносабат билдириш, хатти-ҳаракатларини шарҳлай олиш, аудиоматн ва график матнлардан олинадиган ахборотлар беқиёс тарбиявий аҳамият касб этади. Машғулотдан ташқари ўқув тадбирларининг ҳам тарбиявий аҳамияти чексиз.

Чет тил ўқитишнинг ривожлантирувчи мақсади.

Дидактикадаги ривожлантирувчи таълим маъноси билан ҳамоҳанг бўлиб, бола шақининг ақлий, ҳиссий ва мотивацион жиҳатларини ривожлантиришни ифодалайди. Бола интеллектуал ва маънавий озика олади, нуткий мулоқотда ўз ҳиссиётини синаб кўради, мулоқотдош (бола, муаллим, диктор ва б.)лар фикрини билиш ва ўз фикрини баён этиш орқали унинг шақи камол топиб боради. Таълим жараёнида, жумладан, чет тил ўрганишда меъёрдаги лисоний ва нуткий қийинчиликларни йенгиб ўтиш бола тафаккури ва хис-туйғуларининг ривожланишини таъминлайди. Ривожлантирувчи мақсадга нуткий амаллар туфайлигина эришилади. Унинг умумтаълимий мақсаддан жиддий фарқи шундаки, ўқув маълумотлари олиш билан таълим фикран боғланади, маълумотнинг мазмуни турли компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилади. Таълим, жумладан, чет тил ўрганиш шак ривожланишида алоҳида ўрин эгаллайди. Тил психологик, коммуникатив, функционал ва маданий ҳодиса бўлганлиги сабабли билиш жараёни учун ўта аҳамиятли, чунки у билмасликдан билишга элтувчи омилдир. Чет тилда бола икки турда билим олади, биринчиси ва асосийси, нуткий жараёнда иштирок этиш учун керакли алгоритмик қоидалар ва ижтимоий аҳамият касб этадиган бола ҳаёти давомида фойдали маълумотлар. Маданиятлараро мулоқот ўзга халқ менталитетига хос белгилар ва одатларни сингдиришга хизмат қилади. Бунда бошқаларнинг турмуш тарзини реклама қилиш эмас, балки чет тил соҳибининг назари билан дунё

...ингичи қараш ва оқибатда, ўз маданиятини чуқур хис
...ини Урғинади. Умумбашарий ва миллий кадриятлар
...ини содир бўлади. Чет тилда мулоқот қилиш, эгаллаш
...ини нутқ фаолияти турлари бўйича малакаларни
...ини демакдир. Нутқ фаолиятининг тўрт тури: тинглаб
тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув малакалари ўзаро боғланган
...ини ривожлантириб борилади. Бу ўқиш ва ёзиш, ўқиш ва
...ини, ўқиш ва гапириш, тинглаш ва ўқиш, тинглаш ва ёзиш,
...ини каби машқлар орқали амалга оширилади.

Тинглаб тушуниш. Нутқни тинглаб тушуниш деганда,
сўловчининг нутқини бевосита ёки техникавий воситалар
ёрдамида эшитиб идрок этиш ва фаҳмлаш назарда тутилади.
Бошқача қилиб айтганда, тинглаб тушуниш ўзгалар нутқини
(жонли тарзда ёки механик ёзувдагисини) идрок этиш ҳамда
мазмунини фаҳмлаб этиш маъносини ифодалайди. Янги тил
материали болаларга одатда ўқиш ёки тинглаш орқали
гаништирилади. Тинглаб тушуниш талаффуз ва оҳангни ҳам
ўзлаштиришга хизмат қилади. Тинглаб тушуниш уч босқичли
фаолият бўлиб, унда умумий эшитув идроки (акустик
интерцепция), сўзларнинг товуш томонини (фонематик) фарқлаш
ва моҳиятини англаш орқасида нутқдаги мазмун идрок этилади,
билиб олинади ва тушунилади. Эшитиш сезгиси ва анализатори
орқали ахборот олишнинг асосий манбалари сифатида тарбиячи
нутқи, аудио-видео воситалардан магнитофон ёзуви, радио
...иттириш, овозли диафилм, кино (видео), филм (ёки ундан
...арча) ва телевизион кўрсатувлар тавсия этилади. Тинглаб
тушунишни амалга ошириш учун қуйидаги уч омил назарда
тутилади. Тингловчининг ўзига боғлиқ омиллари (эшитиш
қуникмасининг ривожланганлиги, унинг хотираси ва матнни
диққат билан тинглаб, мазмунини тушунганлиги), тинглаш
пайғидаги шарт-шароит (нутқ тезлиги, тил материали ҳажми ва
шакли ҳамда сўзланаётган нутқнинг давом этиши) ва ниҳоят,
қўлланган материалнинг лингвистик жиҳатлари (тингловчининг
тил тажрибасига мос келиш-келмаслиги) ҳисобга олинади, яъни

тинглаб тушунишга бериладиган матн нотаниш бўлиб, болалар эгаллаган тил материалларини ўз ичига олади.

Гапириш. Гапириш нутқ фаолияти турларидан бири бўлиб, фикрни оғзаки баён этишдир. Гапириш - фикр ва ҳис-туйғуни изҳор этиш мақсадида муайян тилдаги лексик, грамматик ва фонетик ҳодисаларни қўллашдан иборат бўлиб, у чет тилни ўрганишнинг муҳим амалий мақсадидир. Гапириш - болаларга ўзларининг фикр-туйғуларини ифода этишга, кизиқишлари ва ҳаётий фаолиятлари ҳақида суҳбатлашишга ҳамда уларни бошқалар фикри билан таққослашга имконият яратиб беради. Фикрни оғзаки икки шаклда, яъни монолог (якка нутқ) ва диалог (жуфт нутқ) тарзида ифодалаш мумкин.

Монолог бир кишининг нутқи бўлиб, унда кетма-кет келадиган жумлалар мантиқан боғланади. Нутқнинг оҳанги ва мазмуни қўйилган мақсад сари йўналтирилади. Монолог қуйидаги белгиларга эга:

- мазмунан изчиллик кузатилади, ифодаланадиган фикрлар таянч жумлалар воситасида аста-секин ривожлантириб борилади;
- фикр-мулоҳазанинг маълум даражада тугалланганлиги нутқ намуналарида ифодаланади.

Диалогда икки ва ундан ортиқ киши, тингловчи ҳамда гапирувчи сифатида навбатма-навбат ахборот алмашадилар. Диалог қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

- ажралмас диалогик бирликнинг нутқий вазиятга мос келиши;
- диалог фақат муносабатгина эмас, балки гапиришга ундовчи (стимул) ва жавоб (реакция) жумлалари (репликалари)ни алмашиш натижаси ҳамдир;
- диалогик бирликдаги қисқартмаларнинг ўз ўрнида қўлланилиши;
- суҳбатнинг мазмунан боғлиқ .

Боланинг ривожланиш соҳалари компетенциялари

Боланинг компетенциялари бола ривожининг қуйидаги соҳаларида белгиланади:

• **жисмоний** ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши;

- **ижтимоий-ҳиссий** ривожланиш;
- **нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш** малакалари;
- **билиш жараёнининг** ривожланиши;
- **ижодий** ривожланиш.

«Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари» соҳаси компетенциялари

«Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари» соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият якунига етганидан сўнг 6-7 ёшли бола:

- нутқни эшитади ва тушунади;
- ўз нутқида тўғри талаффуз, қулай грамматик шакллар ва хилма-хил гап конструкцияларидан фойдаланади;
- иккинчи тилни ўрганишга қизиқиш намоён қилади;
- иккинчи тилни эгаллаш бўйича дастлабки билимларини кўрсатади;
- бадиий адабиёт асарларига қизиқиш намоён қилади;
- сўзнинг луғавий, бўғинли ва фонетик тузилиши тўғрисида тасаввурга эга бўлади;
- турли маъно шаклларини мустақил равишда тузиш ва сўзлаб беришни билади;
- ёзишнинг дастлабки малакалари ва воситаларидан фойдаланишни билади.

Мактабгача таълим ёшдаги болаларга хорижий тилларни ўргатишда интерфаол методлар ва ўйинлар.

Ҳозирги кунда инглиз тилини мактабгача таълим ташкилотларида болаларга ўйин орқали ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқимизда «Тил билган – эл билади», деб бежиз айтилмаган. Президентимизнинг 2012йил 10декабрдаги —Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-1875-сонли қарори бу мақсадни рўёбга чиқариш ва шу доирада мактабгача таълим ташкилотларидан оқ болаларга хорижий тилларни ўргатиш ва мактаб таълимига тайёрлаб бориш масаласи муҳим аҳимиятга эга. Шу боис ҳам мактабгача таълим ташкилотларида болаларга инглиз тилини ўргатишда машғулот жараёнини дидактик лойиҳалаштириш долзарб масала бўлиб, унда илғор ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурдир.

—Дидактика кечиктирмай ўрганиши зарур бўлган муаммолардан бири, — деб кайд этган эди А. А. Ченцов, таълимни самарадор лойиҳалаш масаласи. Лойиҳалаш ўқув материални ўрганиш ва мустақкамлаш, такрорлаш ва амалиётда татбиқ қилиш, умумлаштириш ва назорат қилиш жараёнлари билан қанчалик узвий боғлиқ бўлса, таълим жараёнининг самарадорлиги шунча ошади³. Шунинг учун ҳам, таълим жараёнининг барча йўналишларини эмас, балки унинг маълум қиррасини самарадор лойиҳалаш йўлидан бориш керак. Бундай самарадор лойиҳалашга эҳтиёжманд йўналишлардан бири самарали дидактик ўйинлар тўпламини тайёрлашдир. Мазкур мураккаб вазифани бажаришда, инглиз тили машғулотини болаларга дидактик ўйинлар воситасида ташкиллаштириш асосий омил ҳисобланади.

Болаларда ўйин орқали диққат, хотира ва идрокни қийинчиликларсиз шакллантириш мумкин. Чунки бола ўйин жараёнида ўзини эркин ҳис этади. Ўйин ўйналаётган пайтдаги маълумотларни ҳам бажонидил қабул қилади.

Яъни ўйин фаолияти орқали бериладиган маълумотлар болалар хотирасидан муаммоларсиз ўрин олади. Бу ўринда педагогик, психологик ва физиологик омилларга таянган ҳолда инглиз тилини ўргатиш самаралар гаровидир. Мактабгача таълим ташкилотси тарбияланувчилари ўйинлар жараёнида инглиз тилини ўрганар экан, албатта, маълумотларнинг кўргазмалилик тамойилларига амал қилиши мақсадга мувофиқдир.

³ Ченцов, 1972, б. 231

Мутахассислар тадқиқотлари асосида олинган хулосаларга кўра, мактабгача ёшдаги болаларда хорижий тил билиш жараёнлари ижтимоий таъсирлар асосида шаклланади. Уларнинг диққати, хотираси, ақлий фаолияти ва мулоқотга киришиши, кўп ҳолларда, ташқи муносабатлар ва ўйин фаолиятининг таъсирчанлигига боғлиқ эканлиги таъкидланади. Ф.Гуэн ва М. Вальтер боланинг тилни эгаллаш процесси устида кузатишлар олиб борар экан, болалар ўйин жараёнида ўз фаолиятларини мантикий хронологик изчилликда баён қилиш, ҳаракатларини шарҳлаш эҳтиёжини ҳис қилишларининг гувоҳи бўлди. Бу кузатишлар фаолият ҳамда ҳаракатларни шу тарзда баён қилиш ва шарҳлаш тилни ўргатиш заминида ётади, шунинг учун ҳам уларни чет тилларни ўқитишга асос қилиб олиш керак, деган хулосага олиб келди.⁴

Боланинг 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган боғча ёши болалик даврининг катта бир қисмини ташкил этади. Асосан мана шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолиятлари, нутқи ривожланади, хорижий тилни тез ўрганиш хусусиятлари такомиллашади, ҳамда шаклий индивидуал хусусиятлари (инсоний фазилатлари) таркиб топа бошлайди. Шунингдек, она тили ва хорижий тилни параллел равишда ўзлаштирган болаларда идрок этиш, таҳлил қилиш, тушуниш, қиёслаш каби кўникма-малакалар ҳосил бўлади.

Таълим-тарбия таъсири билан бирга, болалар психик хусусиятларининг тараққиётига уларнинг фаол фаолияти ролини ҳам ҳисобга олиш зарурдир.

Чунки бола тарбиянинг пассив объектигина бўлиб қолмасдан, балки ўз фаолиятлари билан ўзига, яъни ўзининг психик тараққиётига фаол таъсир қилиб турадиган мавжудотдир. Тарбия боланинг фаол фаолиятларини ҳар доим тўғри ташкил қилиб, йўлга солиб турса, ундаги мавжуд сифатлар фаолиятнинг ҳар хил турларида (ўйин, меҳнат, ўқиш) намоён бўлиб мустаҳкамлана боради. Чунончи, бола психикаси ўйин, ўқиш,

⁴ Ляховицкий, 1981

Ўрганиш, меҳнат ва турли ижтимоий фаолият жараёнларида тараққий қилади. Фаолиятнинг бу турлари боланинг ўсиши ва ёш хусусиятларига мос равишда ўзгариб, бири иккинчиси билан алмашилиб туради. Масалан, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти ўйиндир. Чунки ўйин бола табиатининг асосий хусусияти ҳисобланади. Бола ўйин орқали атрофдаги ҳаётни ва кишилар ўртасидаги турли муносабатларни ўргана бошлайди. Бундан ташқари, бу ёшда боланинг мантикий тафаккур кила олиш салоҳияти, ақлий ривожланиши, дунёқараши ва ўз-ўзини англаш қобилиятларини ривожлантиришга дастлабки пойдевор қўйилади. Бола бу ёшда моддий борлиқ гўзалликларини ҳис этиш, гўзаллик ҳамда нафосатдан завқлана олиш, миллий урф-одатларни ўзига сингдириш, ардоқлаш ҳамда риоя қилиш кўникмаларини ҳам шакллантира бошлайди. Ваҳоланки, бу ёшда бола етарли сўз бойлигига эга бўлиб, унда хорижий тил ўрганишга имконият пайдо бўлади. Бола предметларнинг ранги, шакли ва катталигини, уларнинг маконда жойлашишини билиш билан бирга, уларни таққослай олади. Бу ёшда нормал ривожланаётган бола расм ва суратлар реал ҳаётни акс эттираётганлигини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам сурат ва расмларда нималар акс этганини реал ҳаётга таққослаган ҳолда билишга ҳаракат қилади. Бола расмларда атрофдаги нарсаларнинг кичиклаштириб тасвирланганлигини англай билади. Бу тасвирлар болаларда эстетик ва бадиий дидни ривожлантиради. Бу жараёнларни болалар билан ўйин сифатида ташкиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам ўйинлар умуминсоний маданиятнинг қимматли манбаи ва уни юксалтириш воситаси ҳисобланади. Ҳеч қандай фаолият шаклида инсон ўзининг руҳий физиологик ва ақлий имкониятларини ўйин жараёнидаги каби ёрқин тарзда намоён эта олмайди. Шунинг учун ҳам ўйинлар болаларнинг ҳаётий мавқеларини ўзгартирувчи педагогик ҳодиса ҳисобланади.

Ўйинлар – бола ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланаркан, улардан мақсадли фойдаланиш ўз самарасини бермай қолмайди.

Д.Б. Эльконин дидактик ўйинларнинг ўз табиатига кўра ижтимоий аҳамият касб этишини таъкидлаган ҳолда ўйинларга «ижтимоий муносабатлар арифметикаси», дея таъриф беради ва уларнинг педагогик моҳиятини батафсил очиб беришга муваффақ бўлди⁵. Чунки ўйинлар ўз моҳиятига кўра боланинг кўз ўнгида жамиятдаги ижтимоий вазиятлар ва катталар ҳаётини яққол гавдалантиришга хизмат қилади. Ўйинлар муайян фаолият шакли бўлиб, болаларнинг руҳий ҳолатлари ва билиш кўникмаларининг ривожланиш шакли сифатида улар ҳаётининг муайян босқичида вужудга келади. Болаларни мулоқотга чорлашнинг асосий, ўзига хос шакли сифатида алоҳида педагогик қийматга эга.

Д.Б.Эльконин ҳаракатли ўйиннинг қондалари мазмунининг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиб, уларни тўрт гуруҳга ажратади:

1. Ҳаракатга тақлид қилиш – тақлидий ўйинлар;
2. Муайян сюжетли драмалаштирилган ўйинлар;
3. Сюжетли оддий ўйинлар;

4. Аниқ мақсадга қаратилган машқлардан иборат спорт ўйинлари⁶.

Болани ўйинга ундовчи омил унинг катта ёшдаги одамларнинг борлиқ тўғрисидаги ва шақлараро муносабати ҳақидаги тасавури ҳамда уларни ўзининг шақий фаолиятида синаб кўриш истагидир. Жамоа бўлиб ўйнаётган тенгқурлари билан бевосита мулоқотга киришиш иштиёқидир. Шу билан бирга, ўйин давомида инглиз тили ибораларидан фойдаланиш, уни мулоқот давомида қўллаш, болаларга завқ бағишлайди.

Л.С.Выготский, Д.Б.Эльконин ва уларнинг шогирдлари томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, ўйиннинг асосий таркиби, бошқа жиҳатларини қамраб олувчи ижро бўлиб ҳисобланади. Ижро – муайян хатти-ҳаракатлар ёрдамида бажарилади, натижада бола сотувчи, ҳайдовчи, мураббий, шифокор бўлиб аниқ ишларни амалга оширади, шақлараро муносабатга киришади, муомала сеҳри

⁵ Эльконин, 1999

⁶ Эльконин, 1965, б. 1-32

билан танишади. Ролли ўйинларни ижро этаётган вақтда инглиз тилидан фойдаланиш ва қўллаш, инглизча муҳитни яратишга туртки бўлади.

М.Ш.Расулова воқеабанд-ижроли, ҳаракатли, таълимий ва мусиқавийтаълимий ўйинларнинг турларини тажрибада синаб кўриш орқали мактабгача ёшдаги болаларда хатти-ҳаракат мотивлари ва бурч ҳиссини шакллантириш имкониятига эришади. Маълумки, бурч ҳисси бола шақининг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. М.Ш.Расулова миллий ўйинларни ўргатиш орқали болаларнинг ахлоқий даражаларини, умумий камолотини, жинсий фарқларини текширган [Расулова, 1995]. Ана шунинг учун тил ўрганишда миллий ўйинларнинг аҳамияти бекиёсдир.

М.Воҳидов «бола ўйинда қандай бўлса, ўсиб-улғайгач ишда ҳам кўпинча кўп жихатдан шундай бўлади» (эҳтиёж , моддий дунёга муносабат, ўз-ўзига муносабат, ирода, ҳиссий туйғу, билиш жараёнлари), деб таъкидлайди ⁷. Дарҳақиқат, ўйин жараёнида бола ҳаракатчан, голибликка интилувчан, чаққон ва ўткир зехнли бўлса, у албатта келажакдаги ҳаётида ҳам бу хусусиятларини намоён эта олади. Баркамол ва етук инсон бўлишига замин яратади ва олдидан чиққан қийинчиликларни енга олади. Аммо, бунинг акси бўлса, бола психологиясини мукамал ўрганиб чиқиб, унинг ўйинларга нисбатан фоаллигини, жўшқинлигини уйғота олиш керак. Шунинг учун ҳам бундай мушкул вазифа маҳоратли педагог зиммасида бўлади.

Мактабгача ёшдаги болалар учун катталар берадиган баҳолар, қўллабқуватлашлар жуда муҳим. Бу психологик жихатдан олиб қараганда, катталарнинг эътибори, мадади болани янада яхши ривожланишга, ўзида ишончли ҳосил қилишга ва ҳар томонлама муккамал бўлишга замин яратади.

Мактабгача таълим ташкилотсида инглиз тилини ўргатувчи педагоглардан маҳорат, кучли билим, салоҳият ва сабр талаб этилади. Улар инглиз тилини муккамал эгаллаган бўлишлариغا

⁷ Воҳидов, 1981, б. 34

қарамай, психологик жиҳатдан ёндаша оладиган ва болалар билан тил топиша оладиган бўлишлари муҳим аҳамият касб этади. Дидактик ўйинлар орқали болаларни қизиқтира олиш, ўйинни тўғри ташкиллаштира олиш ва ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини ривожлантира олиш, педагогнинг вазифаси ҳисобланади.

Бу борада, Леонтьев.А.М. «ҳар бир соғлом бола ҳорижий тилни ўрганиши шарт ҳамда бемалол мулоқотга кириша олиши зарур.., аммо шундай ҳодиса амалга ошадими, йўқми – бу кўп жиҳатдан педагог маҳорати ва ўқитишнинг методик қўлланмасига боғлиқ» деб таъкидлайди⁸

Шунинг учун ҳам боғча болаларини инглиз тилида мулоқотга киритиш жараёнида дидактик ўйинлар муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўйинлар болаларга нафақат қувонч, завқ, ҳузур, роҳат ва хурсандчилик бағишлайди, балки инглиз тилини ўрганишларида чексиз қизиқиш уйғотади. Мазкур фаолият ёрдамида улар босқичма-босқич ижтимоийлашадилар. Ўйинларда ўзбек халқининг барқарор анъаналари, ҳаракат меъёрлари ўз аксини топади.

Ўйинларга хос бўлган бир қатор дидактик ҳолатлар мавжуд. Улар қуйидагилар:

- Педагогикада ўйинлар турли ёшдаги болаларнинг мустақил фаолиятини ривожлантириш шакли сифатида намоён бўлади;

- Ўйинлар болалар фаолиятининг эркин шакли бўлиб, мазкур жараёнда улар атроф-олами англайдилар, ўрганадилар, шаклий ижодий фаолиятлари учун қулай шароитга эга бўладилар, мустақил билиш ва ўз фаолиятларини жадал тарзда намоён қилиш имкониятини қўлга киритадилар;

- Ўйинлар болалар учун ривожланиш амалиёти ҳисобланади;

⁸ Леонтьев, 1985, б. 24-29

• Ўйинлар жараёнида болалар ақл-идрокка таянган ҳолда ижод қиладилар, ўз имкониятлари ва ижодий фаолиятларини намоён этадилар ва ҳоказо.

Инглиз тилини ўйин орқали ўргатиш ҳақида кўп мулоҳазалар мавжуд бўлиб, бунда ўйин фақат вақтни ўтказиш учун ва уни машғулот хонасидан ташқарида ўйналгани маъқул деб ҳисобланади. Аммо болаларга инглиз тилини ўргатиш вақтида дидактик ўйинлардан фойдаланиш самарали натижа бериб, инглиз тилида сўзлашиш хусусиятларини ривожлантиришга сабаб бўлади. Инглиз олими Ч. Брамфитнинг таъкидлашича, болалар ўйин орқали хорижий тилни ўргана олишади, улар шу тил билан дўстлашиб олишади. «Ўйин шундай кучга эгаки, у нафақат болаларнинг кайфиятини кўтара олади, балки уларга хорижий тилни ўрганишларида руҳий куч бағишлай олади.»⁹

Дидактик ўйинлардан фойдаланишда қуйидаги методик талабларни эътиборга олиш талаб қилинади:

1. Ўйинлардан машғулот ва машғулотдан ташқари машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун болаларни қизиқтирийдиган ва уларнинг ёш хусусиятларига мос келадиган ўйинларни танлаб олиш зарур.

2. Машғулотлар жараёнида ўйинларга 15-20 дақиқа вақт ажратиш мумкин.

3. Ҳар бир ўйинни ўтказишда аввал унга пухта тайёргарлик кўрилиши ҳамда машғулот мазмуни билан узвий боғланган бўлиши лозим.

Инглиз тилини ўргатиш ва ўрганиш узоқ ва мукамал жараён. У кишидан мунтазам меҳнатни ва ўз устида ишлашни талаб қилади. Оғзаки нутқ малакаларини ўстириш учун инглиз тилини ўқитиш жараёнида ҳар хил интерфаол ўйинларни қўллаш, машғулотни зерикарли эмас, аксинча, қизиқарли ва севимли машғулотга айлантириши аниқ. Интерфаол ўйинлар орқали инглиз тилини ўрганувчи болалар ўзларини анча эркин

⁹ Брамфит, 1991


тугадилар, ҳатто уятчан болаларни ҳам ушбу ўйинларда қатнашишга ундайди. Интерфаол ўйинларни, айниқса, грамматика ва сўз бойлигини орттириш жараёнида қўллаш самарали натижа беради. Аммо бу ўйинларни қўллашдан олдин педагог болаларга ўйиндан кўзланган мақсадни, ўйин қоидаларини аниқ тушунтириши ва ўтилаётган мавзу билан чамбарчас боғлаши керак.

Интерфаол ўйинлар болаларнинг тасавури, зехни, хотираси ва нарсабуюмларга бўлган эътиборини оширади. Болаларга тил ўргатишда турли ўйин турларидан фойдаланиш ижобий самара беради. Масалан, яккаиндивидуал, жуфтли, гуруҳли, оммавий ўйинлар ёки ролли, ташкилий коммуникатив, ижодкорликка йўналтирувчи, интеллектуал мусобақага асосланган, дидактик, компьютерли ўйинлар шулар жумласига киради ¹⁰

Таълимнинг замонавий технологияларида бир нечта интерфаол методлар бўлиб, улар инглиз тили машғулотларининг самарали даражада ўтилишини таъминлайди.

Дидактик ўйинлар инглиз тили машғулотининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Булар,

«Ўзим текшираман»,
«Тез жавоб»,
«Расмлар»,
«Пантомима»,
«Харфларни топ»
ўйини, «Сирли сўз»,
«Занжир»,
«Ўйин топишмоқ» ва бошқалар.



¹⁰ Ёралиева, 2014, б. 27].

Машғулот давомида болаларни муаммони ҳал қилишда атрофдагиларнинг таъсири кераклигини ҳис қилиш, ўзаро муомала қилиш малакаларини ошириш, кўриш, эшитиш, таҳлил қилиш, фикрлаш қобилиятларини ва ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда қуйидаги дидактик ўйинларни мисол тариқасида келтириш мумкин:

«Занжир» усули. Бу усул айниқса, инглиз тилини ўрганишда кўл келади. Болалар бу усулдан сўз устида ишлашда, луғат бойлигини оширишда, инглиз эртагини ўзлаштиришда фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. Эртақдаги бир нечта сўз воситасида бу ўйинни ўйнаш мумкин. Тарбияланувчи бир сўз айтади, бир бола шу сўз тугайдиган ҳарфдан бошланадиган сўзни айтади, шу тарзда болаларнинг барчаси бу ўйинда қатнашишлари мумкин. Бу ўйиндан янги мавзуни ўзлаштириш машғулотларида ҳам фойдаланиш яхши самара беради.

«Тез жавоб қайтар» ўйини. Тарбиячи қатор оралаб юриб, болалардан бирига бирор-бир нарсани кўрсатади. Бола шу нарса номини инглизчада айтиши лозим. Жавоб учгача санагунча айтилиши керак. Бундай ўйин давомида болаларда диққат қилиш қобилияти ортади.

«Расмлар» ўйини. Тарбиячи предмет ёки ҳайвонлар тасвирланган расмларни стол устига қўйиб чиқади ва болалардан бирини чақиради. Ундан расмлар орасидан қофияси мос келувчи 2 та расмни танлашни сўрайди.

Масалан: *ball-doll, dog-frog, fox-box, cat-bat.*

Бу ўйинлар машғулотлар давомида ўтилган мавзуга боғланиб, улардан машғулотнинг мустаҳкамлаш қисмида ёки дам олиш дақиқасида фойдаланилади.

«Расмларни тасвирлаш» ўйини («Describe the picture»). Тарбиячи болаларга расмларни тарқатиб чиқади ва улар расмлардаги жисмларнинг номини, рангини ва шаклини тасвирлайдилар.

Масалан: This is a ball. This is a red ball. This is a big ball.

Машғулотларда кўргазмали куруллардан рангли карточка ва расмлардан фойдаланиш ижобий натижа беради. Тасвирлар болаларда эстетик ва бадий дидни ривожлантиради, предмет номларини эслаб қолишларига ёрдам беради.

«Болачалар шохчаларда» ўйини.

Ўйиннинг дидактик вазифаси. Бир ўсимликка тегишли қисмларни танлаш.

Ўйиннинг бориши. Болалар икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳдаги болаларга барг («шохча»лар), иккинчи гуруҳдагиларга сабзавотлар («болача»лар) тарқатилади. «Болача»лар, ўз «шохча»ларингизни топинглар!» - —*Children, find your leaves* дейилгандан сўнг, ҳар ким ўз жуфтини кидиради, яъни икки бола қўлидаги нарсалар бир ўсимликка тегишли бўладиган ҳолда жуфт бўлиб туриб олишлари керак. Ўйин тўғри ёки нотўғри ўйналганини «сеҳрли дарвоза» - (*Magic gate*) текширилади (тарбиячи ва бир тарбияланувчи текширади). Бунда жуфтликлар топшириқни хато бажарган бўлса, «сеҳрли дарвоза» ёпилади, яъни кўтариб турилган қўллар пастга туширилади. Ўйин такрорланганда, болалар қўлларидаги барглар ва меваларни алмаштирадилар.

«Нима қаерда яшайди?» ўйини.

Ўйиннинг дидактик вазифаси. Ўсимликларни тузилишига кўра гуруҳларга ажратиш.

Керакли нарсалар: тулки (*fox*), куён (*rabbit*) ва олмахон (*squirrel*) ниқоби.

Ўйиннинг бориши. Ўйин саёҳатга чиқилганда олиб борилади. Тарбиячи ўйин шarti билан таништиради: «Сизлардан бирларингиз олмахонлар ва куёнлар, яна бирингиз тулки бўласиз, олмахон ва куёнлар яширинишлари учун ўзларига жой топишлари керак». Ўйин вақтида тарбиячи олмахонлар дарахтлар ортига, куёнлар буталар орасига яширинишларини уқтиради. Тарбиячи «тулки келяпти» (*The fox is coming!*) деб овоз берганидан кейин олмахонлар дарахтларга куёнлар буталарга

қараб югурадилар. Буни нотўғри бажарганларни тулки тутиб олади.

«Ўз гуруҳингни топ» ўйини.

Болаларга рангли букланган қоғозлар тарқатилади. Уларга ҳайвон ва паррандалар номи ёзилган бўлади. Тарбиячи болаларга қоғозда расми берилган ҳайвон ёки парранда қандай товуш чиқарса, улар ҳам шундай товуш чиқариб, ўз гуруҳини топишларини тушунтиради.

Мушук (миёв-миёв). ⇔ *Cat — meow*

Кучук (вов-вов). ⇔ *Dog (puppy) — bow wow*

Хўроз (ку-ку-ку-ку). ⇔ *Rooster — ock-a-doodle-doo*

Сигир (мў-мў). ⇔ *Cows — moo*

«Пантомима» ўйинлари. Пантомима ўйинлари ҳам болаларнинг топқирлигини ривожлантириш учун хизмат қилади. Тарбиячи болаларга мимикалар, ҳаракатлар ёрдамида сўзибораларни намоёиш этади, болалар эса уни топадилар. Масалан: тарбиячи ўқиш ҳаракатини бажаради ва болалар ҳаракат номини айтадилар – *I read*.

«Интервью» ўйини:

Мақсад: ўзи ҳақидаги маълумотларни бера олиш ва эркин суҳбатга кириша олиш кўникмасини шакллантириш.

Ишлатиладиган мослама: микрофон.

Дастлаб, репортёр ролини тарбиячи, яъни педагог ўйнайди, кейин эса болалар. Бошловчи қуйидаги саволларни беради: *What is your name? How old are you? Where are you from?* ва ҳоказо.

«My body» ўйини:

Мақсад: инглизчада тана аъзоларини ўрганиш;

Бошловчи истаган тана аъзоси номини айтади, масалан, бошни, лекин фақат қўллари билан кўрсатади. Болалар эса буни инглизчада номини айтишади. Бу ўйинда инглизча сонларни ҳам ишлатиш мумкин. Масалан: *one, two, three – hand!* Бунга қўшимча сифатида «*Fingers*», яъни бармоқлар ўйинини ўйнаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу тариқа, инглизчада оила аъзолари номини янада яшироқ ўрганишга имкон бўлади. Бу қуйидаги:

қувнок кўшиқ ёрдамида амалга оширилади: Daddy finger, daddy finger, where are you?

Here I am, here I am. How do you do?

Mommy finger, Mommy finger, where are you?

Here I am, here I am. How do you do?

Brother finger, Brother finger, where are you?

Here I am, here I am. How do you do?

Sister finger, Sister finger, where are you?

Here I am, here I am. How do you do?

Baby finger, Baby finger, where are you?

Here I am, here I am. How do you do?

Кейинги ўйин «*Биз биргамиз!*» деб аталади.

Мақсад: боғча болаларнинг ўзаро сўзлашиш қобилиятларини фаоллаштириш. *Who are you? — I am father/mother/sister/brother.*

Тарқатма материал: исми шарифи ёзилган ва оила аъзолари тасвирланган расмли карточкалар (ҳар хил гуллар билан безатилган).

Ҳар бир болага карточкалар тарқатилади. Мусиқа садолари остида болалар бир-бирларига карточкаларни маълум муддат кўрсатиб туришади. Кейин мусиқа тугагач, болалар ўз оила аъзолари тасвирланган расмларни топиб олишлари керак. Иккинчи марта карточкаларни кўрсатиш мумкин эмас, фақат *Who are you?* деб сўраш керак ва қуйидагича жавоб бериледи: *I am father Azizov/I am son Saidov* ва ҳоказо. Барча оила аъзоларини тўғри топа олган гуруҳ аъзолари ғолибликни қўлга киритади.

Дидактик ўйинлар орқали инглиз тилини ўрганувчи МТМ болаларининг нутқи фаол ривожланади, сўз-луғат бойлиги ошади, грамматик жиҳатдан гапни тўғри тузиш кўникмасига эга бўладилар ва фонематик эшитиш қобилияти шаклланади. Шу жумладан, дидактик ўйинлар болаларнинг тасавури, хотираси ва нарса-буюмларга бўлган эътиборини оширади, мулоқотга киришувчанлигини ошириб, умумлингвистик ва актёрлик

қирраларини намоён этади. Бунинг оқибатида бола муваффақият қозонишга интилади, уни зийрак, ҳушёр бўлишга қорлайди, ҳамда завқ билан инглиз тилини ўрганади.

Бола сўзларни қандай эшитган бўлса, уларни тўғри талаффуз этишга ўрганиши зарур. Бундан ташқари, тарбиячи боланинг билимини синаши, кўникма ва малакаларни аниқлаши, унинг шаклий фикрини билиши учун албатта тўғри савол қўя олиши керак. Демак, саволлар:

- қисқа ва аниқ бўлиши;
- битта савол билан битта нарса сўралиши;
- савол мавзуга доир бўлиши;
- саволдаги сўзлар болаларга тушунарли бўлиши;
- оддийдан мураккабга, содданан умумийга бориши лозим.

Инглиз тилини ўргатишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- ҳар бир машғулотада 5-10 та сўз ўргатиш;
- рағбатлантиришнинг турли усулларидан (оғзаки ва моддий) фойдаланиш;
- машғулотларда она тилида сўзлашишни чеклаш (90% инглиз тилида);
- сўзлашиш малакасини ривожлантириш мақсадида нутқ фаолиятида зарур бўлган тўлиқ нутқ тузилишидан фойдаланиш;
- жуфтлик ва гуруҳларда ишлаш. Бу гуруҳда психологик муҳитни юмшатади, яъни ўзаро дўстона муносабатда бўлиш, ҳурмат қилиш, қўллаб-қувватлаш каби хислатларни ривожлантиради;
- боланинг қисқа муддатли хотирасини ҳисобга олган ҳолда узлуксиз равишда ўтилганларни такрорлаб бориш;
- болаларнинг саволларга ҳозиржавоб бўлишини таъминлаш.

Мактабгача ёшдаги болалар ҳаракатли ўйинларни катта қизиқиш билан қабул қилганликлари сабабли, уларга бир неча марта такрорлаб ёд олдиришдан кўра ҳаракатли ўйинлар ёки аудио-видео воситалар орқали намоёиш этиш кўпроқ самара

сўзларни ота-онаси ёрдамида қайтариб туришларига замин яратади. Масалан, **САРВИНОЗ** исми инглиз ҳарфлари билан ёзилиб ва унинг атрофи шу ҳарфларга оид ранг-баранг расмлар билан безатилади.

Шу каби дидактик мазмунга бой муҳитни гуруҳ хоналарида, жиҳозларда ҳам ташкиллаштириш мумкин. Масалан, гуруҳнинг пардаси кўк бўлса ва унга рангли ёпишқоқ қоғозда —blue сўзи ёзилган бўлса, болалар унинг нималиги билан қизиқади. Шунда машғулот олиб бораётган педагог парданинг ранги кўк ва шу сўз ёзиб қўйилганлигини айтиб, болаларни жамоа бўлиб шу сўзни такрорлашга ва уларнинг талаффузига эътибор қаратса, тарбияланувчилар, нафақат кўк пардани, балки бошқа предметларни кўрганда ҳам кўк рангнинг инглиз тилида қандай талаффуз қилинишини ёдга олишади.

Ҳатто оқ қоғозга ранг-баранг қилиб чизилган етти рангли камалакнинг атрофларига шу етти рангда пуфакли шарларни илиб қўйиб, шу пуфакли шарчалар ичига ширинлик жойлаштириб, камалакдаги шарчалар қандай рангдалигини сўраб ва инглизчада тўғри айта олган болажонларга пуфакчани ёришга ва ичидаги совғани олишга имкон берилса, бўлади. Албатта, бундай ўйинлар боғча болаларига қизиқ бўлиб, ичидаги совғани қўлга киритиш учун рангларни тезда ўрганишга ва ажратишга ўзини-ўзи ундайди. Ушбу жараёндан тушунамизки, болалар ўзини ўраб турган жисмлар, атрофидаги предметлар ҳақида кўпроқ билишни хоҳлайди.



Шунга ўхшаш яна бир ўйин болаларнинг онгини чархлайди ва инглиз тили сонларини таний олишга ёрдам беради. Масалан, «*What number is missing?*» Қайси сон тушиб қолган?

Боғча болалари тарбиячиси

болаларга инглиз тилида

—*What number is missing?*, деб сўрайди. Болалар инглиз тилида эътибор билан билган сонларигача санай бошлашади ва

тушиб қолган сонни аниқлаган ҳолда айтишади. Бу ўйинда икки-уч ёки ундан ортиқ сонларни тушириб қолдириб, қуйидагича бошлаш муҳим ҳисобланади. *One, two, three! Look at me! – Бир, икки, уч! Бир манга қаранг!*

Ва, албатта, тил ўргатишда ушбу муҳитдан унумли фойдаланиш педагогга ҳам, болага ҳам енгиллик туғдиради. Энг муҳими, болалар чет тилини ўрганишни қийин бир машғулот деб эмас, балки ўзига таниш бўлган нарсаларни яқиндан ўрганиш деб қабул қилади.

Ўзбек тилида сўзлашувчи болалар инглиз тилини ўйин орқали қийинчиликларсиз ўрганиш мумкин. Юқорида таъкидлангандек, ўйин давомида инглиз тилидаги янги сўзлар ва иборалар тезроқ ва осонроқ ўрганилади, яъни бола тасаввурида бу ибораларни қай вақтда ва қандай вазиятда қўллаш хусусияти шакллана боради. Турли хил топширқлардан иборат бўлган дидактик ўйинлар, нафақат, болаларда босқичма–босқич инглиз тилида сўзлашув маҳоратини ривожантиради, балки келажакда инглиз тилида сўзлашувчи дўстлари билан эркин фикр алмаша олиш кўникмасини шакллантиради.

Агар тарбиячи ўйин бошланишдан олдин гуруҳ сардорини ёки ўйинни биринчи бўлиб бошлаб берувчи гуруҳ етакчиларини танлашда қийналса, унда мақус санаш усуллари қўл келади. Масалан:

Red, white and blue. ⇔ Қизил, оқ ва кўк,

All out but YOU! (8 counts) ⇔ Ҳаммасидан ташқари Сен!
(8 миқдор)

A B C D E F G H I J K L M N O P Q R S T U

You, you, you are it! (26 counts) ⇔ Сен, сен ва бу сенсан!
(26 миқдор)

Ўйин давомида қуйидаги ибора ёки гапларни ишлатиш мумкин:

Let's start/You start. ⇔ Келинг, бошлаймиз/ Сен бошлайсан.

Close/ open your eyes. ⇔ Кўзларингизни ёпинг/очинг.

Count to five/ten. ⇔ Беш/ўнгача сананг.

You're first / You're second. ⇔ Сен биринчисан/
иккинчисан.

You're last. ⇔ Сен охирисан.

My turn/ Your turn. ⇔ Менинг навбатим/ Сенинг
навбатинг.

Who's next? ⇔ Ким кейингиси?

He's next/ She's next. ⇔ У кейингиси.

Look! It's your card. ⇔ Қаранг! Бу сизнинг картангиз.

Take a card /Take two cards. ⇔ Карта олинг/ Иккита
карта олинг.

Again/Try again. ⇔ Яна/ Яна ҳаракат қилиб кўринг.

Stop/It's time to stop. ⇔ Тўхтанг/ Вақт тугади.

Count the cards/One card, two cards etc. ⇔ Карталарин-
гизни сананг

How many cards have you got? ⇔ Нечта картага эга
бўлдингиз?

You're the winner! ⇔ Сиз ғолибсиз!

Tidy up, please/Put the cards away/Put the things away. [6. 65.]

Боғча болалари фақат бир-иккита ўйин билан чекланиб қолмасликлари керак, акс ҳолда улар зеркиб қоладилар, шунинг учун ўйин турини тез-тез алмаштириб туриш керак. Шу билан бирга, болалар ҳордиқ чиқарадиган мақус машқларни ҳам инглиз тилида олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, толиққан кўзлар учун бажариладиган машқлардан бири «**Кўз билан капалакни топиш**» деб номланади, бу нафақат болаларнинг кўз мушакларининг фаолияти учун фойдали, балки уларга кўтаринки кайфиятда инглиз тилини ўрганишларига ёрдам беради.

Кўз қорачиғларини тепага кўтарамиз, пастга туширамиз, ўнгга ва чапга қараймиз!

Инглизча	Ўзбекча
Look at the ceiling, Look at the floor, Look at the window, Look at the door.	Шифтга қаранг, Полга қаранг, Деразага қаранг, Эшикка қаранг.

Ноанъанавий таълим беришда дидактик ўйинлар болаларни билишга ва маълумотларни ўзлаштиришга кизиштириши тан олинган усул. Хўш, боланинг инглиз тили машғулотида ташқари вазиятларда ҳам нафақат дидактик, балки ҳаракатли ўйинлар орқали ҳам тил ўргатиш қобилиятини шакллантириш мумкинми? Албатта, ўйинлар бола ҳаётининг ажралмас бир қисмидир. Ўйинларсиз болалар ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, бола ҳар куни ўйнаб юрган ёки тўсатдан йиғилиб қолган тенгдошлари, дўстлари билан бирор-бир ўйин ўйнашга киришади. Ушбу вазиятда улар ўзларига таниш, кизиқарли ва яқин ўйин турларига мурожаат қилишади. Шу пайтда оналар ёки тарбиячилар — Лайлак келди, тухум қўйди, сони нечта? миллий ҳаракатли ўйинини инглиз тилига таржима қилган ҳолда болажонларга ўргатиш ва ўйинга жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бунда болажонлар қўлларини бир-бирларига қўйган ҳолда инглизча санай бошлашади. Аслида ўзбек тилида бу ўйиннинг шартларини болалар яхши тушунишади. Ўйин жараёнида 10-12 бола қатнашиши мумкин ва улар бир доира шаклида қўлларини бир-бирларига қўйган ҳолда туришади. Шу билан бирга, сонларни ҳам яхшигина ўрганишади ва талаффуз қилиб янада мустаҳкамлай олишади.

Ўйин орқали болалар нарса-буюмларнинг инглиз тилидаги номларини хотирасида тез сақлаб қоладилар. Боғча болалари шу каби ўйинлар орқали сўзларни ҳеч қандай қийинчиликсиз такрорлаш ёки улар учун зерикарли бўлган такрорлаш ва ёд олишларсиз эсида сақлай оладилар ва шу билан бирга, фикрлаш доирасини кенгайтиради, ҳамда муаммоли вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш хусусиятларини кучайтиради. Шуни

таъкидлаш жоизки, ҳар бир ўйин ўзига хос конун-қоидага эга, бу эса бола миясини чархлашга, дуч келган қийинчиликларни сабр-қаноат ва табассум билан енгишга чорлайди. Болаларга ўйин давомида бошловчилик қилаётган педагог эса болажонлардан илиқ табассумини аямаслиги, уларни қўллаб-қувватлаши, кичкина совғалар билан рағбатлантириши муҳим аҳамиятга эга. Масалан, қоғозли юлдузчалар, кулгичлар, юракчалар, рангли байроқчалар ва шунга ўхшаш кичик рағбатлар болалар кайфиятини кўтариб, ўйинга янада фоал қатнашишларига туртки бўлади ҳамда ўзига ишонмаган, уятчан болаларга тенгкурлари орасида эркинлик бағишлайди.

Куйидаги шаклдаги кулгичлар ишлатиши тавсия этилади:



Маълумки, миллий ўйинлар болаларда ахлоқий хислатлар, ақлий фазилатлар, нутқ қобилияти, ҳаракат билан нутқ бирлиги укувчанлигини мақсадга мувофиқ шакллантиради. Шу билан бирга, миллий ўйинлар ва миллий ўйин фаолияти ўзининг муайян тузилишига, тизимига эга бўлиб, бирбиридан таркиби, моҳияти, мазмуни ва сюжети билан тафовутланади. Ўйин характерлари, визуал ва новизуал ҳолатлар, вербал ва новербал нутқ (имоишора, мимика, пантомимика кабилар) ролларни ижро этиш негизидир. Бундан ташқари, миллий ўйинлар билан инглиз тилини уйғунлаштириб, муайян қоидалар, тамойилларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилса, ижро этилса уларнинг таъсир кучи, тарбиявий аҳамияти шу даражада ортади. Улар изчил равишда дастурлаштирилса, босқичма-босқич тартиб билан бажариш йўллари болаларга тушунтирилса, бунда иштирокчилар фаоллиги таъминланса, инглиз тилини ўрганиш билан бирга миллий кадрият, маънавият, руҳият қатъий қарор топишига кафолатдир. Шунинг учун ҳам, мактабгача таълим ташкилотси

тарбияланувчиларига миллий ўйинлардан фойдаланган ҳолда инглиз тилини ўргатиш ижобий самара беради.

Бундан ташқари эртақларни —Role play, яъни инглиз тилида сахна кўриниши шаклида ташкиллаштириш, болажонларнинг инглиз тилига қизиқишларини оширади. Масалан, —Бўри ва бола эртаги олинса, уни —Wolf and boy деб таржима қилинган ҳолда болажонларга кичик сахна сўзларини ёдлатиб, кичкина сахна кўриниши шаклида намойиш этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу сахна кўринишини ўйнаётган бола, сўзларни ўргана бошлайди, инглизча гапиришга ўрганади.

Ушбу ўйинларни болалар ўйнаганда уларда образларга кириш кўникмаси ривожланади ҳамда атроф-олам ҳақидаги билимларини тасвирлаб кўрсатиш қобилияти ва ижодкорлик қобилияти рағбат топади. Шунингдек, миллий мақомдаги сўзларнинг инглиз тилида ифода этилишини кўриб, муқобил сўзлардан фойдаланиш кўникмалари шаклланади. Зеро, ролли ўйин мактабгача ёшдаги болаларнинг шундай фаолиятидирки, бунда ҳар қайси индивид ўз тенгдошлари орасида фаоллик кўрсатади, ижтимоий хулқ ва хатти-ҳаракатларнинг андозаларини ўзлаштиради, катталар ҳаётига таклид қилади, улар бажараётган ролга кўра бир-бирларига бўйсунадилар. Ана шу тариқа бола шақида ақлий қобилият, шакий ва ижтимоий бурч ҳислари, ўтқир зеҳн таркиб топади, тенглик, бирдамлик туйғулари, инсоний фазилатлар-самимият, ор-номус ва хушмуомалалилик кабилар туғила бошлайди. Ролли ўйинлар инсон фаолияти, меҳнати ва улар ўртасидаги муносабатларининг соҳаларига ўта сезгир ҳисобланади, бола ўз зиммасига оладиган ролнинг асосий мазмуни фаолиятнинг айнан шу томонларини қайта тиклаш жараёнидан иборат бўлади. Бола яшаб турган ижтимоий муҳитни шартли равишда иккита ўзаро боғлиқ, лекин шу билан бирга уларни айирча соҳаларга ажратиш мумкин. Унинг биринчиси — бу ҳам табиий, ҳам инсон қўли билан яратилган жисмлар соҳаси. Иккинчиси эса одамлар фаолияти

соҳаси, меҳнат билан одамлар ўртасидаги муносабатлар соҳасидан иборатдир.

Ролли ўйинлар кўпроқ одамлар фаолияти ва улар ўртасидаги муносабатлар соҳасига боғлиқ бўлади. Чунки ўйиннинг мазмунини борлиқнинг айнан шу соҳаси ташкил қилади. Бола ижро этадиган катталарнинг роли орқали бу муносабатларнинг қайта тикланиши ва ўзлаштирилиши туфайли ҳам айнан рол ва у билан боғлиқ ҳаракатлар ўйиннинг таркибий қисмини ташкил қилади. Ўйиннинг сюжети бу ўйинда болалар томонидан жонлантириладиган реаллик соҳасидир. Ўйин сюжетлари ҳаддан ташқари хилма-хил бўлиб, бола ҳаётининг яққол шароитарини акс эттиради. Унинг мазмуни меҳнат ва ижтимоий ҳаётда катталар ўртасидаги фаолият ва ўзаро муносабатнинг болалар томонидан қайта тикланишидир. Ўйиннинг мазмуни боланинг катталар фаолиятига қанчалик кириб борганлиги орқали намоён бўлади.

Мактабгача ўрта ёшдаги болаларда ролни тақсимлаш ёки уни танлаш ўйин фаолиятига киришишдан анча илгари амалга оширилади. Бу жараёнга шу гуруҳнинг бошлиғи бевосита раҳбарлик қилади. Шунинг учун ким қандай ролга муносиблиги узоқ тортишувлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Уларнинг ўртасидаги тортишувлар ва баҳслар катта ёшдаги одамларнинг аралашуви натижасида адолатли тарзда ҳал қилинади. Болалар ўртасида ўзаро таъсир ўтказиш асар қаҳрамонларининг бир-бирларига нисбатан муносабатлари ўйин фаолиятида бош масалага айланди. Ўйиннинг мазмуни эса (она-бола, меҳмон ва мезбон, паттачи ва йўловчи, сотувчи ва харидор, тарбиячи ва тарбияланувчи каби) шақлараро муносабатларни акс эттириш жараёнига кўчади.

Ўйинлардаги янгиликлар унинг қоидаларида намоён бўлади. Мазкур қоидалар ёрдамида болалар ўйин сюжетидаги воқеликни идрок этадилар. Аксарият ўйинларда воқелик аниқ шарҳлар ёки буюмлар шаклида намоён бўлади. А.М.Леонтьевнинг таъбирича, болалар кенг қўламдаги воқеликни фақат ўйинлар ёрдамида

идрок этадилар. Болалар ўйин жараёнида ўзларини эркин ҳис қиладилар¹¹

Ўйинлар болалар учун уларнинг ижод соҳаси, ижтимоий ҳамда ижодий жиҳатдан ўз-ўзини намоён этиш жараёни ҳисобланади. Бундан ташқари, ўйинлар ахборот узатиш воситаси ҳисобланади. Ўйин жараёнида болалар воқелик ҳақидаги кўплаб маълумотларни ўзлаштиришга муваффақ бўладилар. Шу билан бир қаторда, ўйинлар болаларнинг ўз тенгдошлари билан ҳамкорликка киришиш, дўстликни мустаҳкамлаш воситаси ҳам ҳисобланади. Чунки, ўйинларда жамиятда рўй бераётган воқеалар, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик муҳити, инсоният ҳаётининг алоҳида қирралари, халқнинг ижтимоий тажрибаси, ўтмиши, ҳозирги замон ва келажак маданияти, ижтимоий тажрибаларнинг такрорланиши, ўзаро бир-бирини тушуниш муҳити намоён бўлади. Шу жумладан, болаларга инглиз тилини ўқитиш тизимида дидактик ўйинлардан фойдаланишга кенг йўл очилади. Педагоглар ҳам ўйинларга дидактик воқелик, дидактик вазиятларнинг ифодаси сифатида қарай бошладилар. Ўйинлар таълим тизими билан бир қаторда ҳаётнинг кўплаб соҳаларига ҳам кенг тарқалмоқда. Шунинг учун ҳам ўйинлар умуммиллий, қатъий тушунча сифатида қўлланилмоқда. Шунга кўра инглиз тилини ўқитишдаги дидактик жараёнларда ўйинлардан фойдаланиш кўлами кенгаймоқда.

Демак, мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топишида инглиз тилининг ўрни бекиёсдир. Қолаверса, инглиз тилини ўқитишда болаларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, улардаги инглиз тилини ўзлаштиришга бўлган кизиқишни, эҳтиёжни тўла қондиришга ёрдам берувчи педагогик технологияларга асосланган замонавий дидактик ишланмаларни тайёрлаш ва уларни амалга ошириш учун турли хил интерактив ўйин методларидан фойдаланиш орқали мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилини ўргатиш муаммоси амалий ечимини топади.

¹¹ Леонтьев, 1994, б. 37-47

Ўйинли ўқитишга кизикишнинг ортиши унинг қуйидаги педагогик имкониятлари билан боғик: биринчидан, ўйин билиш фаолиятининг мотивацияси ривожланишига ёрдам беради, иккинчидан, у ўз мазмуни ва структурасида реал касбий фаолият хусусиятларини акс эттирган ҳолда кўп функционалли характерга эга, учинчидан, касбий тайёрлаш жараёнида болаларни ўйин фаолиятига жалб этиш шаклнинг реал ҳаётга мослашган сифатларини шакллантиришга ёрдам беради. Тўртинчидан, методик тўғри ташкил этилган дидактик ўйин назарий билимларни, тизмийлаштиришни, амалий билиш ва кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради. Ҳар бир тарбиячи машғулотлари қизиқарли, завқли ва эсда қоладиган бўлишини хоҳлайди. Ёш тарбиячилар касбини яхши билиш ва қизиқ қилиб айтиб бериш этарли деб ўйлашади.

Дидактик ўйин нафақат болаларнинг ижодий излаш даражасида ишини, балки материални ўрганиши бўйича кундалик қадамларини ҳам қизиқарли ва завқли қилиш имконини берувчи ноёб шакллардан бири. Ўйиннинг қизиқарли шартли оламни эслаб қолиш, такрорлаш, мустаҳкамланган ёки ўзлаштириш бўйича монотон фаолиятни ижобий рангда қилади, ўйин ҳаракатларининг эмоционаллиги боланинг барча психик жараёнлари ва функцияларини фаоллаштиради.

Таълим жараёнида уюштириладиган дидактик ўйинлар ҳам болалар тафаккурини ривожлантириш воситаси саналади. Дидактик ўйинларга дам олиш ёки вақт ўтказиш воситаси эмас, балки таълим берувчи фаолият деб қараш лозимдир.

Таълимий ўйинларнинг турли хил таснифи мавжудлиги хусусида ишнинг биринчи бобида тўхталиб ўтган эдик. Ўйинлар мазмуни ва амалга ошириш шаклига кўра синфларга ажратилган эди. Қуйида машғулотларда уюштириладиган дидактик ўйинлар ва уларнинг мустақил фикрлаш билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

Тарбиячининг вақти-вақти билан рағбатлантириши болаларнинг ўзига бўлган ишончини орттиради. Бу ўйиндан

машғулотдан ташқари машғулотларда, тўгаракларда, сайрларда ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Масалан: Нафиса, соат, ёмғир, китоб.

«У ким? Бу нима?». Стол устига бир қанча предметлар териб қўйилади. Тарбиячи шу предметлардан бирортасини таърифлайди. Болалар шу белгилар асосида гап нима ҳақида бораётганлигини топадилар.

Бу ўйиннинг афзаллик томони шундаки, уни машғулот давомида болалар диққатини жамлаш, қўлларига дам бериш мақсадида ёки янги товушлар билан таништириш, янги мавзунини баён қилиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Бу ўйин болаларда зийраклик, синчковлик сифатларини ва мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиришга имкон беради.

Масалан: У шар шаклида. Уни машхур спортчиларимиз ҳам стадионларда ўйнайдилар. У ёш болаларнинг ҳам сеvimли ўйинчоғи. (жавоб: копток).

«Топағон». Тарбиячи бирор белги асосида савол беради. Болалар шу белгини ўзида акс эттирган предметлар номларини айтадилар. Энг кўп тўғри жавоб топган болалар ғолиб саналади. Бу ўйинни ўтказиш болаларга сўз туркумлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар бериш жараёнини энгиллаштиради. Бундан ташқари, ҳозиржавоблик, мустақиллик, зийраклик, ижодкорлик каби сифатларни шакллантиради.

Савол: Нима оқ рангда?

Жавоб: қоғоз, дафтар, булут, парда, қор, бувимнинг сочлари,...

«Нотўғри жумла». Бу ўйин суратлар асосида ўтказилади. Тарбиячи суратни тасвирлаб бериш давомида суратга тегишли бўлмаган жумлаларни ҳам ишлатади. Болалар зийраклик билан шу жумлани топишлари лозим.

Болалардан бу ўйин давомида зийраклик, синчковлик, кузатувчанлик ва диққат талаб қилинади. Улар суратни синчковлик билан кузатиш билан бир қаторда тарбиячининг

ҳикоясини ҳам диққат билан тинглаб турадилар. Ҳар бир нотўғри жумлани топиш уларнинг ўзига бўлган ишончи ва машғулотга қизиқишини орттиради.

Бу ўйиндан фақат ўқиш машғулотида эмас, машғулотдан ташқари вақтларда ҳам фойдаланиш мумкин.

«Бўлиши мумкин эмас». Ўйин давомида тарбиячи матнни ўқийди. Болалар бўлиши мумкин бўлмаган воқеаларни фойдаланган жумла ёки гапни топишлари лозим.

Ҳазил-мутойиба билан ўтадиган бу ўйин зийраклик, синчковлик ва кузатувчанликни талаб қилиши билан бирга, ҳикоя тинглаш кўникмасини шакллантиришга ҳам ёрдам беради.

Бу ўйин бир неча марта ўтказилгач, кейинчалик болаларга мустақил равишда шундай ҳикоячалар тузишни ҳам топшириш мумкин.

Намуна: Душанба дам олиш куни бўлгани учун Олим боғчага бормади. У синглиси Вазира билан ҳайвонот боғига борди. Улар ҳайвонот боғида сувда сузиб юрган шерни, қафасда сайраётган балиқларни ва каттакон ваҳший қушни кўрдилар.

«Ҳарфларни топ». Бу ўйинни оғзаки ёки расмий тестларда товушларнинг ўрнини топишда қўлланиладиган рангли тўртбурчак қоғозчалар воситасида ҳам ўтказиш мумкин. Бунда икки хил рангдаги тўртбурчак қоғозчалар олинади. Тарбиячи сўзларни ўқийди. Болалар эса мустақил равишда топиш лозим бўлган товуш ўрнини бир хил рангдаги, қолган товушлар ўрнини иккинчи хил рангдаги қоғозчалар билан кўрсатадилар. Масалан «она» сўзидаги «а» товушининг ўрнини рангли қоғозчалар билан шундай кўрсатадилар:



ёки товушлар схемасини қуйидагича чизиб кўрсатадилар:



Тарбиячи бу ўйиндан савод ўргатишда самарали усул сифатида фойдаланиши мумкин.

Болаларнинг нутқини ривожлантириш мақсадида ўйинни оғзаки ҳам ўтказиш мумкин. Масалан: «Мақтаб» сўзидаги «а» товушининг ўрнини топиб айтиш керак бўлсин. «Мақтаб» сўзида «а» товуши биринчи бўғинда иккинчи ўринда «м» товушидан кейин турибди, иккинчи бўғинда эса «т» товушидан кейин иккинчи ўринда турибди.

«Ўқиб кўр-чи». Тарбиячи болаларга ёзма ва босма ҳарфлар билан катта-катта қилиб ёзилган сўзларни кўрсатади. Болалар ўқийдилар. Тез ва тўғри ўқиган болалар рағбатлантирилади. Шу хилдаги ўйинлар воситасида болаларнинг ўқиш техникаси шакллантирилади. Бу ўйинни «Алифбе» даврида ҳам қўллаш мумкин. Уни ундош товушлар ҳали ўрганилмаган даврда фақат товушлар, кейинроқ эса бўғинлар, сўзлар, гаплар воситасида ўтказиш мумкин.

«Давом эттир». Бу ўйинда тарбиячи ҳикоя бошлайди. Болалар уни мустақил давом эттирадилар. Бунда болаларда ижодкорлик, мустақил фикрлаш қобилияти ривожланиб, баён ёки иншо каби ижодий ишлар ёзиш кўникмаси ривожланади ва сўз бойлиги ортади. Бундан ташқари, уларда ўзига ишонч ҳисси шаклланиб боради.

«Давом эттир» ўйинидан ўқиш машғулотларида ёки машғулотдан ташқари машғулотларда фойдаланиш мумкин.

Масалан: «Бугун мен барвақт мактабга келаётганимда ... ».

«Сафар». Болаларга мактабдан ёки ўз уйларида маълум бир жойгача бўлган йўлни тасвирлаш топширилади. Болалар бир неча кун давомида «объект»ни кузатадилар ва уни оғзаки тасвирлаб берадилар.

Синчковлик, зийраклик, кузатувчанлик, атроф-муҳитга диққат-этибор талаб этиладиган бу ўйин воситасида Ватанга эътиқод, табиатга муҳаббат ҳисларини тарбиялаш мумкин. Бундан ташқари, болаларнинг нутқи ривожланади, луғат бойлиги ортади, мустақил фикрлаш малакалари шаклланади.

Шу билан биргаликда болаларнинг йўл ҳаракати қондаларини қай даражада билишларини ҳам аниқлаш мумкин.

«Сафар» ўйинидан мустаҳкамлаш машғулотириди ёки машғулотдан ташқари машғулотларда фойдаланиш мумкин.

Масалан: Уйдан спорт мажмуасигача бўлган йўл.

Мен машғулотдан кейин спорт мажмуасидаги кураш тўғарагига қатнайман. У эрга бориш учун уйдан чиқиб, чап қўл тарафга қараб юраман. Катта йўлдан ўтиш учун пиёдаларга ажратилган йўлак бўйлаб бориб, светофорнинг яшил чироғи ёнганда мақус ажратилган жойдан ўтиб оламан. Тўғрида спорт мажмуаси кўриниб туради.

«Занжир». Тарбиячи ўйинни бошлаб болаларга битта сўз айтади. Болалар бу сўз қайси ҳарф билан тугаган бўлса, шу ҳарф билан бошланувчи сўзни топиб айтадилар. Сўз ўйини шу тарзда давом этади.

Бу ўйин ўқиш машғулотирида мақоллар, тез айтишлар, ҳикматли сўзлар ёки шеърый байтлар воситасида ўтказилиши мумкин. Бундай ўйинларнинг ўтказилиши болаларнинг хотирасини мустаҳкамлайди, ҳозиржавобликка, мустақил фикрлашга ўргатади. Бу ўйиндан ўқиш ва ўқиш машғулотирида дам олиш дақиқаларида ёки машғулотни бошлашдан аввал болалар диққатини тўплаб олиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Масалан: Табиат, таом, маймун, нок, китоб, ботир, райҳон,...

«Ўйин-топишмоқ». Бу ўйиндан машғулотнинг маълум бир қисмида кичик ҳажмда ёки машғулотдан ташқари машғулотларда катта ҳажмда фойдаланиш мумкин. У қуйидаги тартибда ўтказилади. Тарбиячи бирор бир нарсани топишмоқлар ёки сўзлар воситасида уч марта таърифлайди. Биринчи таъриф мураккаб, иккинчи таъриф энгилроқ, учинчи таъриф эса жуда энгил бўлади. Биринчи таърифданок тўғри жавобни топган болага «3» балл, иккинчи таърифда тўғри жавобни топган болага «2» балл, учинчи таърифда тўғри жавобни топган болага эса «1» балл берилади. Бу ўйинни бир бола билан оғзаки ёки кўпчилик болалар билан ёзма равишда ўтказиш мумкин.

Бундай ўйинлар болалар учун қизиқарли бўлиб, уларнинг фикрлаш даражасини аниқлаш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

Масалан:

1-таъриф: Айтишларича, у шунақа оқ кўнгил эканки, мабодо бирор кишини чақиб қўйса, хафа бўлганидан, ўзи ҳалок бўлар экан.

2-таъриф: У ҳашоротнинг номига ширинлик номи ҳам қатнашган.

3-таъриф: Гулдан-гулга қўнар у,
Шарбат йиғиб жўнар у.
Йиғиб ўзи эмайди,
Уясига тўплайди.
Ҳосили мен-у сенга,
Ким номин айтар менга?

(Асалари)

«Бу меники». Тарбиячи ҳарф ёзилган карточкаларни болаларга тарқатади. Ҳар бир карточкада ҳар хил ҳарф ёзилган бўлади. Шундан сўнг тарбиячи сўзларни ўқий бошлайди. Болалар қўлларидаги карточкада ёзилган ҳарф билан бошланадиган сўзни эшитишлари биланоқ «Бу меники» деб жавоб беришлари шарт. Тарбиячи сўзларни тезроқ ўқийди, болалар зийраклик билан тинглайди.

«Тез жавоб». Тарбиячи ёки бошловчи болалар қаторини оралаб юриб, болалардан бирини турғизади ва бирор нарсанинг номини айтади. Бола шу нарса мансуб бўлган турга кирувчи сўз топиб айтиши лозим. Жавоб то учгача санагунча айтилиши керак. Жавоб беролмаган бола ўйиндан чиқарилади. Ўйин битта бола қолгунча давом эттирилади.

Бундай ўйин давомида болаларда ҳозиржавоблик, мустақил фикрлаш қобилияти ривожланиб, атроф-муҳитни синчковлик билан кузатади, атрофдаги содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга қизиқиши ортади.

Масалан: Тарбиячи: «Ҳайвон».

Бола: «Ит».

Тарбиячи: «Бадий фильм».

Бола: «Абдуллажон».

Тарбиячи: «Ўқув курали».

Бола: «Дафтар».

Тарбиячи: «Қизлар исми».

Бола: «Мунаввар»

Нутқ ва уни ўстириш тушунчаси

Нутқ - киши фаолиятининг тури, тил воситалари (сўз, сўз бирикмаси, гап) асосида тафаккурни ишга солишдир. Нутқ ўзаро алоқа ва хабар, ўз фикрини ҳис-ҳаяжон билан ифодалаш ва бошқаларга таъсир этиш вазифасини бажаради.

Яхши ривожланган нутқ жамиятда киши фаолиятининг муҳим воситаларидан бири сифатида хизмат қилади. Бола учун эса нутқ мактабда муваффақиятли таълим олиш куралидир.

Нутқ ўстириш нима? Агар бола ва унинг тилдан бажарган ишлари кўзда тутилса, нутқ ўстириш деганда тилни ҳар томонлама (талаффузи, луғати, синтактик қурилишини, боғланишли нутқни) фаол амалий ўзлаштириш тушунилади. Агар ўқитувчи кўзда тутилса, нутқ ўстириш деганда, болаларнинг тилнинг талаффузи, луғати, синтактик қурилиши ва боғланишли нутқни фаол эгаллашларига ёрдам берадиган метод ва усулларни қўллаш тушунилади¹². Шунинг учун ҳам грамматика ва имло дастури товушлар ва ҳарфлар, сўз, гап, боғланишли нутқ каби қисмларни ўз ичига олган. Она тили дастурининг бўлимлари «Хат-савод ўргатиш ва нутқ ўстириш», «Ўқиш ва нутқ ўстириш», «Грамматика, имло ва нутқ ўстириш» деб номланган.

Нутқ фаолияти учун, шунингдек болалар нутқини ўстириш учун бир неча шартга риоя қилиш зарур:

¹² Рождественский Н. С., Кустарева В. А. Методика начального обучения русскому языку.- М.: «Просвещение», 1965. 289-бет.

1. Киши нутқининг юзага чиқиши учун талаб бўлиши керак. Болалар нутқини ўстиришнинг методик талаби бола ўз фикрини, ниманидир оғзаки ёки ёзма баён қилиш хоҳишини ва заруриятини юзага келтирадиган вазият яратиш ҳисобланади.

2. Ҳар қандай нутқнинг мазмуни, материали бўлиши лозим. Бу материал қанчалик тўлиқ, бой, қимматли бўлса, унинг баёни шунчалик мазмунли бўлади. Шундай экан, болалар нутқини ўстиришнинг иккинчи шарти нутққа оид машқларнинг материали ҳақида бўлиб, бола нутқи мазмунли бўлиши учун ғамхўрлик қилиш ҳисобланади.

3. Фикр тингловчи тушунадиган сўз, сўз бирикмалари, гап, нутқ оборотлари ёрдамида ифодалансагина тушунарли бўлади. Шунинг учун нутқни муваффақиятли ўстиришнинг учинчи шарти – нутқни тил воситалари билан қуроллантириш ҳисобланади. Болаларга тил намуналарини бериш, улар учун яқши нутқий шароит яратиш зарур. Нутқни эшитиш ва ундан ўз тажрибасида фойдаланиш натижасида болаларда таълим методикаси асосланадиган онгли равишда «тилни сезиш» шаклланади.

Нутқ ўстиришнинг методик шарти нутқий фаолиятнинг кенг тизимини яратиш, яъни, биринчидан, яқши нутқ намунасини идрок этиш, иккинчидан, ўрганган тил воситаларидан фойдаланиб, ўз фикрини баён этиш учун шароит яратиш ҳисобланади.

Бола тилни нутқий фаолият жараёнида ўзлаштиради. Бунинг ўзи етарли эмас, чунки у нутқни юзаки ўзлаштиради. Нутқни эгаллашнинг қатор аспектлари мавжуд. Булар:

1. Адабий тил меъёрларини ўзлаштириш. Мақтаб болаларни адабий тилни содда сўзлашув тилидан, шева ва жаргондан фарқлашга ўргатади, адабий тилнинг бадий, илмий, сўзлашув вариантлари билан таништиради.

2. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун зарур бўлган муҳим нутқ малакаларини, яъни ўқиш ва ёзиш малакаларини

Ўзлаштириш. Бу билан болалар ёзма нутқнинг хусусиятларини, унинг оғзаки-сўзлашув нутқидан фарқини билиб олади.

3. Болалар нутқ маданиятини такомиллаштириш. Тил жамиятдаги энг муҳим алоқа воситасидир. Тилнинг мана шу ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб, мактабда болаларнинг нутқ маданиятига алоҳида эътибор берилади.

Бу вазифаларни бажариш учун ўқитувчи болалар билан режали иш олиб бориши лозим. Бунинг учун эса болалар нутқини ўстириш устида ишлаш тушунчасига нималар киришини билиб олиш муҳимдир.

Нутқ ўстиришда уч йўналиш аниқ ажратилади: 1) *сўз устида ишлаш*; 2) *сўз бирикмаси ва гап устида ишлаш*; 3) *боғланишли нутқ устида ишлаш*.

Сўз, сўз бирикмаси ва гап устида ишлаш учун лингвистик база бўлиб лексикология (фразеология ва стилистика билан биргаликда), морфология, синтаксис хизмат қилади; боғланишли нутқ эса мантикқа, адабиётшунослик ва мураккаб синтактик бутунлик лингвистикасига асосланади.

Кўрсатилган уч йўналиш параллел олиб борилади: луғат иши гап учун материал беради; сўз, сўз бирикмаси ва гап устида ишлаш боғланишли нутққа тайёрлайди. Ўз навбатида, боғланишли ҳикоя ва иншо луғатни бойитиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Болалар нутқини ўстириш ўз методик воситаларига эга, ўзининг машқ турлари бор. Булардан энг муҳимлари боғланишли нутқ машқлари ҳисобланади.

Нутқ ўстиришда изчиллик тўрт шартни, яъни машқларнинг изчиллиги, истиқболи, хилма-хиллиги, хилма-хил машқ турларини умумий мақсадга бўйсундириш кўникмасини амалга ошириш билан таъминланади. Ҳар бир янги машқ олдингиси билан боғланади ва кейингисига болаларни тайёрлайди, умумий мақсадга бўйсунган ҳолда яна қандайдир янгилик қўшади.

Мактабда болалар нутқини ўстиришга она тили ўқитишнинг асосий вазифаси деб қаралади. Нутқ ўстириш фақат она тили ва

Ўқиш дарсларинггина эмас, балки ўқув режасидаги барча фанлар (табиатшунослик, математика, меҳнат, тасвирий санъат, ашула дарслари)нинг, шунингдек, синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирларнинг ҳам вазифасидир.

Нутқ турлари

Кишилар тилдан фикр баён қилиш қуроли сифатида фойдаланадилар. Улар ўз фикрларини овоз билан эшиттириб баён қилишдан олдин у ҳақда ўйлаб оладилар. Бу **ички нутқ** ҳисобланади. Ички нутқ эшиттирилмаган ва ёзилмаган, «ўйланган» (фикрланган) нутқдир, бу нутқ фикрловчи кишининг ўзига қаратилади. **Ташқи нутқ** товушлар ёрдамида эшиттирилиб ёки график белгилар билан ёзилиб, бошқаларга қаратилган нутқдир. Ички ва ташқи нутқнинг физиологик табиати бир хил; фарқи – ташқи нутқда нутқ аъзоларининг ҳаракати натижасида товуш чиқарилади ёки ёзиб баён этилади; ички нутқда нутқ аъзоларининг ҳаракати товушсиз юзага келади.

Ички нутқ материални тушуниш ва ёдда саклашга ёрдам беради, ташқи нутқни ўстиришда бирдан-бир зарурий восита ҳисобланади. Ўйлаш, фикр юритиш ички нутқ асосида бўлади. Ички нутқ болани ташқи нутққа, жавобгарликни ҳис қилиб **гапиришга ўргатади**. Ички нутқ жараёнида ўйлаш боланинг нутқи ва тафаккурининг ўсишида муҳим воситадир.

Мактабда болаларнинг ташқи нутқигина эмас, балки ички нутқи ҳам ўстирилади. Болалар ичда ўқишга ўрганадилар ва ички нутқда материални ўзлаштирадилар, турли вазифаларни ўзлари ҳал қиладилар, асосийси – ўзларининг оғзаки ва ёзма фикрларини тайёрлаб оладилар.

Фикрни ифодалаш усулига кўра нутқ **оғзаки** ва **ёзма** бўлади. Оғзаки нутқ ёзма нутқдан қуйидагича фарқланади: оғзаки нутқ товуш нутқи, ёзма нутқ эса график нутқдир. Оғзаки нутқда эшитиш сезгиси, ёзма нутқда эса кўриш ва мотор-ҳаракат (кўл ҳаракати) сезгиси асосий ўрин тутлади. Оғзаки нутқ ҳам, ёзма нутқ ҳам кишиларнинг ўзаро алоқа қуроли сифатида хизмат қилади,

аммо оғзаки нутқ аниқ ҳаётий шароитда, бевосита алоқа жараёнида юзага келади; ёзма нутқдан бевосита, аниқ шароитдан ажратилган ҳолда ҳам, киши иштирокисиз ҳам фойдаланилади.

Оғзаки нутқ кўпинча диалог тарзида, ёзма нутқ эса монолог тарзида бўлади. Ёзма нутқ логик изчилликка риоя қилган ҳолда, айрим тил шаклларини тушириб қолдирмай, ортиқча такрорга йўл қўймай баён қилишни талаб этади. Шунинг учун ёзма нутқ анча мураккаб ва мавҳум ҳисобланади.

Болалар нутқига қўйиладиган талаблар

Болалар нутқини ўстиришда аниқ белгиланган бир қатор талабларга риоя қилинади:

1. Болалар нутқи мазмундор бўлсин. Ҳикоя ёки иншо болалар учун яқхи маълум бўлган далиллар, уларнинг кузатишлари, ҳаётий тажрибалари, китоблардан, расмлардан, радиоёшиттириш ва телекўрсатувдан олган маълумотлари асосида тузилсагина мазмунли бўлади. Болалар билмаган нарса, кўрмаган воқеа-ҳодисалар ҳақида етарли тайёргарликсиз сўзлашга йўл қўйилса, нутқ мазмунсиз чиқади.

Нутқ ўстириш методикаси ҳикоя, иншо учун материални пухта тайёрлашни, яъни материал йиғиш, уни муҳокама қилиш, тўлдириш, асосий мазмунни ажратиш, зарурий изчилликда жойлаштиришни талаб қилади. Албатта, бунда болаларнинг ёш хусусиятлари ва кизиқишлари ҳам ҳисобга олинади.

2. Нутқда мантиқийлик бўлсин. Болалар нутқи мантиқан тўғри бўлиши, фикр изчил, асосли баён этилиши, асосий ўринлар тушириб қолдирилмаслиги ва ўринсиз такрорга, мавзуга тааллуқли бўлмаган ортиқчаликка йўл қўйилмаслиги талаб этилади. Нутқнинг мантиқийлиги нарса, воқеа-ҳодисаларни яқхи билиш билан белгиланади, мантиқий хато эса материал мазмунини аниқ билмаслик, мавзунини ўйламасдан ноқулай танлаш натижасида келиб чиқади. Бу икки талаб нутқнинг мазмуни ва

курулишига тааллуқлидир. Нуткни тил жиҳатидан шаклантиришга оид талаблар ҳам мавжуд.

3. Нутқ аниқ бўлсин. Болалар далиллар, кузатишлар, таассуротларини ҳақиқатга мос равишда оддий баён этибгина қолмай, шу мақсаднинг энг яқши тил воситаларидан (сўз, сўз бирикмаси, гаплардан) фойдаланган ҳолда, мақус тасвирлар билан ифодалашга ўргансин.

4. Нутқ тил воситаларига бой бўлсин. Мазмунни аниқ ифодалаш учун бола нутқи тил воситаларига бой бўлиши, у ҳар қандай вазиятда ҳам керакли синонимлардан, хилма-хил тузилган гаплардан мазмунга энг мосини танлаб фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши зарур. Албатта, болаларига тил бойлиги юзасидан юқори талаб қўйиб бўлмайди, аммо ўқитувчи ўқув ишларида уларнинг сўз бойлигини ошириб боришни ҳар вақт кўзда тутиши керак.

5. Нутқ тушунарли бўлсин. Оғзаки нутқ эшитувчига, ёзма нутқ эса уни болага тушунарли бўлиши зарур. Сўзловчи ёки ёзувчи нутқини эшитувчининг ёки боланинг имкониятини, кизиқишини ҳисобга олган ҳолда тузса, уни ҳамма бирдек, ҳеч қийинчиликсиз тушунади.

6. Нутқ ифодали бўлсин. Агар нутқ ифодали, яъни жонли, чиройли, ишонтирадиган бўлса, эшитувчига ёки болага таъсир этади. Оғзаки нутқ эшитувчига интонация орқали таъсир эца, оғзаки нутқ ҳам, ёзма нутқ ҳам тингловчи ва болага ҳикоянинг умумий руҳи, далиллар, танланган сўзлар, уларнинг эмоционаллиги, тузилган жумла, иборалар ёрдамида таъсир этади. Нутқнинг тушунарли ва ифодали бўлиши ҳар қандай шевага хос ва ортиқча сўзлардан соф бўлишини тақозо этади.

Юқорида санаб ўтилган талаблар ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, мактаб ишлари тизимида комплекс равишда амалга оширилади.

Нутқ – болалар тафаккурини ўстиришдаги муҳим восита

Нутқ фикрни баён этиш воситаси бўлибгина қолмай, уни шакллантириш қуроли ҳамдир. Фикр нутқнинг психологик асоси вазифасини бажаради, уни ўстириш шарти эса фикрни бойитиш ҳисобланади. Ақлий фаолият тизимини эгаллаш асосидагина нутқни муваффақиятли ўстириш мумкин. Шунинг учун болалар нутқини ўстиришда материални тайёрлаш, такомиллаштириш, мавзуга тегишлисини танлаш, жойлаштириш ва мантикий фикрлашга йўналтирадиган иш турларига қатта аҳамият берилади.

Тафаккур тил материали ёрдамида нутқий шакллантирилса ва баён этилсагина, муваффақиятли ўсади. Тушунча сўзлар ёки сўз бирикмалари билан ифодаланади, шундай экан, у тил воситаси бўлган сўзда муҳим алоқа материалига айланади. Киши тушунча ифодалайдиган сўз (сўз бирикмаси)ни билсагина, шу тушунчага асосланган ҳолда, ташқи нутқда фикрлаш имконига эга бўлади.

Нутқда фикр шакллантирилади, шу билан бирга, фикр нутқни яратади. «Нутқ тафаккур билан чамбарчас боғлангандир. Нутқ бўлмаса, тафаккур ҳам бўлмайди, тил материали бўлмаса, фикрни ифодалаб бериб бўлмайди»¹³.

Фикрни нутқий шакллантириш унинг аниқ, тушунарли, соф, изчил, мантикий бўлишини таъминлайди. Тилни эгаллаш шу тилнинг фонетикасини, луғат таркибини, грамматик қурилишини билиб олиш, фикрни такомиллаштириш учун, тафаккурни ўстириш учун шарт-шароит ҳозирлайди. Билимлар, далиллар, ҳар хил ахборотлар тафаккурнинг ҳам, нутқнинг ҳам материалидир. Нутқ тафаккур жараёнини ўрганишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Нутқдан бола фикрий ривожининг асосий ўлчовларидан бири сифатида фойдаланилади. Боланинг барча

¹³ И в а н о в П. И. Умумий психология. –Т.: «Ўқитувчи», 1967. 306 - бет

Ўқув предметларидан материални ўзлаштириши ва умумий ақлий ривожланиш ҳақида фикр юритганда, у ёки бу мавзунини бола ўз нутқида (ёзган иншосида, ахборотида, қайта ҳикоялашда, саволларга берган жавобида) қандай баён эта олишига қаралади.

Шундай қилиб, нутқни тафаккурдан ажратиб бўлмайди, нутқ тафаккур асосида ривожланади; фикр нутқ ёрдамида пишиб етилади, юзага чиқади. Иккинчи томондан, нутқнинг ўсиши фикрнинг шакллантиришга ёрдам беради, такомиллаштиради.

Болалар нутқини ўстиришнинг бошқа ўқув предметлари билан боғлиқлиги

Болалар нутқини ўстириш бошқа ўқув предметларидан ўтказиладиган машғулотлар билан ҳам узвий равишда боғланади. Она тили дарсларида болалар тил ёрдамида табиат ва кишилар ҳаёти ҳақида билим оладилар; улар кузатишни, ўйлашни ва кўрганлари, эшитганлари, ўқиганлари ҳақида тўғри баён қилишни ўрганадилар. Она тили дарслари болалар луғатини бойитишга самарали ёрдам беради, нутқни тўғри тузишни ўргатади.

Машғулотлар билан боғлиқ ҳолда олиб бориладиган кузатиш, экскурсия болаларга табиат ҳодисалари, кишилар ҳаёти ва меҳнати ҳақида, ахлоқ қоидалари, бошқа кишилар билан муомала қилиш ҳақида билим беради. Бу дарсларда болалар нутқига, уни шакллантириш ва ўстиришга кенг имконият мавжуд. Шеър, мақолаларни ўқиш, ўқилганларни қайта ҳикоялаш, экскурсияда, предмет ва табиат ҳодисаларини кузатиш вақтида кўрганларини ҳикоя қилиш болалар оғзаки нутқини ўстириш воситасидир. Она тили дарсларида эса ёзма нутқни ўстириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Грамматикани ўрганиш ва ўқиш дарсларида болалар бажарадиган сўз бирикмаси, гап тузиш, баён, иншога доир турли хил машқлар нутқий малакаларни эгаллашда уларга ёрдам беради.

Грамматика ва тўғри ёзув дарсларида тилни мақус ўрганиши билан болалар алоҳида товуш, бўғин, сўз ва гапларни эшитишга ва айтишга ўрганадилар. Улар нарса, ҳаракат, белги билдирган кўпгина сўзларни, шунингдек, товуш, ҳарф, бўғин, сўз, ўлак, қўшимча, сўз туркуми, от, сифат, феъл, сон, олмош, боғловчи, гап, гап бўлаги, дарак гап, сўроқ гап, ундов гап сингари жуда кўп янги атамаларни билиб оладилар.

Бошланғич синфлардаги бошқа дарсларда ҳам болалар нутқи хилма-хил сўзлар билан бойитилади. Кузатиш ва турли кўргазмали қуроллар бу дарсларда ҳам билим олиш, тушунчаларни шакллантириш воситаси ҳисобланади.

Элементар математика дарсларида болалар янги тасаввур ва тушунчалар, жуда кўп сўз ва атамалар билан ўз нутқларини бойитадилар, содда ва қўшма гап тузишга ўрганадилар: 5 сони 3 сонидан катта ($5 > 3$) ёки уч сони беш сонидан кичик ($3 < 5$); битта ўнликка иккита ўнлик ва 5 та бирликни қўшсак, учта ўнлик ва 5 та бирлик ҳосил бўлади ($10 + 25 = 35$) ва ҳоказо.

Масала ечиш жараёнида эса улар шу вақтгача ўз нутқларида ишлатиб келган бўлади, қолади, ҳосил бўлади, тенг каби сўзларнинг янги маъносини билиб оладилар; ...*бизга маълум, масалада сўралайти* каби сўз бирикмаларини ишлатишга ўрганадилар.

Элементар математика болаларнинг боғланишли нутқини ўстиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар масалани ечишда саволга тўлиқ жавоб беришга, атамаларни тўғри ишлатиб, қоидаларни ўз савияларига мос равишда аниқ шакллантиришга ўргатилади. Булар, ўз навбатида, болалар нутқини бойитиш ва фаоллаштириш воситаси ҳисобланади.

Боғланишли нутқ кўникмаларини эгаллашга масала ечиш билан боғлиқ ҳолда олиб бориладиган ишлар, айниқса, масала тузишга ўргатиш машқлари самарали таъсир кўрсатади. Масала ўқиб эшиттирилгандан сўнг, болалар унинг асосий мазмунини эшитиб идрок этишга, тўғри, қисқа ва аниқ қайта айтиб беришга ўргатилади. Масала тузишга ўргатиш эса мантиқий изчил,

муҳокама элементлари билан кичик ҳикоя тузиш имкониятини беради. Бу машқ боладан фаолликни ва мустақилликни талаб этади, боланинг билиш фаоллиги ва мустақиллигини ошириш эса унинг умумий ривожланишида ва тарбиявий мақсадда жуда муҳимдир. Масала тузиш кичик ҳикоя тузишдир. Масаланинг ҳикоядан фарқи шундаки, унда нимадир номаълум бўлиб, уни топиш учун маълум сўроққа жавоб бериш талаб этилади. Бола расм асосида *«Дарахтга учта чумчуқ қўнган эди, яна иккита чумчуқ учиб келиб қўнди. Дарахтда нечта чумчуқ бўлди?»* масаласини тузади. Бу масалани ечишда болалар дарахтга қўнган чумчуқлар сонини билиш учун нима қилиш кераклигини ўйлайдилар, муҳокама қиладилар. Масалани ечиш учун аниқ изчилликда муҳокама юритиш ва тушунтириш билан болалар ўз фикрларини математика тилида аниқ ва боғланишли баён этишга ўрганадилар.

Шундай қилиб, элементар математика машғулоти ўқитувчи болалар луғатини бойитиш, турли хил гап, боғланишли нутқ ва баён, муҳокама элементи мавжуд бўлган ҳикоя тузиш устида ишлайди. Ўқитувчи математика тили хусусиятларини ўзлаштиришга кўмаклашиш билан боғлиқ ҳолда, болалар тафаккурини, нутқини ўстиради. *«Фикрни аниқ шакллантиришни талаб қилиш, масала шартини онгли такрорлатиш, мустақил масала туздирish ва саволлар ёрдамида масалани ечиш йўлини тушунтириш кўникмаси устида ишлаш болаларда қайта ҳикоялаш, ишио ва муҳокама қилиш маданиятини ўстиради»¹⁴.*

Болалар табиатшунослик дарсларида ва экскурсия вақтида кўрган нарсаларини ўқитувчи ёрдамида гуруҳлайдилар, уларни ўзаро таққослаб, ўқиш ва фарқли томонларини топиб айтадилар. Булар, ўз навбатида, табиатга оид айрим тушунчаларни аниқ билиб олишга имкон беради ва тафаккурни ўстиради. Табиат ҳодисалари ва предметларни идрок этиш билан болалар онгида табиатшуносликка оид тушунчалар ҳосил бўлади. Бу тушунчалар

¹⁴ Рождественский Н. С., Кустарева В. А. Методика начального обучения русскому языку. - М.: «Просвещение», 1965. 297-бет.

таълим жараёнида ё нарсаларни (дарaxт, олма, шафтоли, ўрик, олхўри, гул, ўт каби), ё уларнинг белгисини (мевали, менагич; аччиқ, нордон, ширин; қизил, оқ каби), ё ҳаракатини (дарaxт ўсади, қуш учади, булбул сайрайди каби) ифодаловчи сўзлар билан боғланади.

Меҳнат ва расм ҳам, жисмоний тарбия ва ашула дарслари ҳам, шунингдек, дарсдан ташқари машғулотларда ҳам болалар нутқи ва тафаккурини ўстиришга алоҳида аҳамият қаратиш зарур.

5 дан 6 ёшгача бўлган гуруҳларда инглиз тили ўтказиладиган машғулотларнинг тахминий жадвали¹⁵

Т/р	Машғулотлар номи	Ўқув йили мобайнида			Соғломлаштириш даври мобайнида		
		ҳафта мобайнида	ой мобайнида	ўқув йили мобайнида	ҳафта мобайнида	ой мобайнида	соғломлаштириш даври мобайнида
5.	Иккинчи тилни ўрганиш	2	4	36	ўйинлар	ўйинлар	ўйинлар
Жами:		2	4	36			

1. Саломлашув.Танишув (1-4 машғулотлар)
2. Хайвонлар (5-8 машғулотлар)
3. Менинг оилам (9-12 машғулотлар)
4. Ўйинчоқлар (13-16 машғулотлар)

¹⁵ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ “Илк қадам” Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури Тошкент –2018 йил

1-МАВЗУ: «САЛОМЛАШУВ. ТАНИШУВ. GREETINGS»
(1-4 машғулотлар)



Мавзу юзасидан сўзлар:

Hello! – Салом!

Hi! – Салом!

Good morning! – Хайрли тонг!

Good evening! – Хайрли кеч!

Good night! – Хайрли тун!

Good –bye! – Хайр!

Bye-bye! – Кўрушгунча!

What is your name? – Исминг нима?

My name is... – Менинг исмим ...

How are you? – Ахволларингиз қалай?

I am fine/good! – Яхшиман!

I am O.K!

I am so-so!

How old are you? – Ёшингиз нечада?

I am ... (five/six) – Мен (беш/олти) ёшдаман.

Thank you – Раҳмат!

Please – Илтимос!

Hands up! – Қўллар тепага!

Hands down! – Қўллар пастга!

Jump! – Сакраймиз!

Turn around – Айланамиз!

Clap your hands! – Қарсак чаламиз!

Stamp your feet ! – Оёғинг билан депсин!

Run! – Югур!

Go! – Бор!

Close your eyes! – Кўзларини юм!

Girl – қиз бола.

Boy – Ўғил бола.

1-МАШҒУЛОТ

Бу машғулотда болалар:

1) инглиз тилида гаплашадиган мамлакатлар билан танишадилар;

2) 3 гача санашни ўрганадилар;

3) инглиз тилида саломлашиш ва хайрлашишини ўрганадилар;

4) «What's your name?», саволига “My name is ...(Akmal).” деб жавоб беришни ўрганадилар;

5) турли хил буйруқларни ҳаракатлар орқали тушуниб бажаришга ўрганадилар (“Hands up!”, “Hands down!”, “Jump!”, “Turn around”, “Stop!”, “Нор!”);

6) [ei], [a], [b], [p], [□]: товушларни қандай таллафуз этишни ўрганадилар

Бу машғулот учун сизга қуйидагилар керак бўлади:

1) кўлга кийса бўладиган маймун -қўғирчоқ;

2) Зумрад, Қиммат,чол,кампир,Винни пух, сичқонча Микки Маус,кенгуру расмлари акс эттирилган расмлар;

3) катта «харита»;

4) сеҳрли қоп.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Салом, болалар! Мени исмиим... . мен сизларга инглиз тилини ўргатаман. Исмингиз нима? Келинг танишамиз!



Болалар ўзларининг исмларини айтадилар.

Тарбиячи: Нима бу инглиз тилими? Айтингчи менга болалар биз сизлар билан хозир қайси тилда гаплашдик? Инглиз тилидами?

Болалар: Йўқ! Ўзбек тилида!

Тарбиячи (Зумрад, Қиммат, чол расмларини болаларга кўрсатиб): бу кизлар отаси билан қайси тилда гаплашяпти?

Болалар: Ўзбек тилида!

Тарбиячи: Тўғри болалар ўзбек тилида, чунки улар Ўзбекистонда яшайдилар. Бизнинг мамлакатда одамлар ўзбек тилида гаплашадилар. Биласизларми болалар дунёда яна бошқа мамлакатлар ҳам бор. Қаранглар болалар мен сизларга қандай катта харита олиб келдим. This is a map. Бу харита. Бу ерда турли-хил мамлакатлар чизилган, кўк рангда - океан, қаранг қанча сув! Одамлар эса курукликда яшайдилар. Бу ерда эса болалар кўраяписизларми турли-хил мамлакатлар: Америка, Англия, Австралия. Бу мамалакатларда болалар инглиз тилида гапирадилар. А бу эса бизнинг мамалакатимиз – Ўзбекистон! Ўзбекистонда эса одамлар ўзбек тилида гаплашадилар.

Болалар харитани кўриб чиқадиладар.

Тарбиячи (Микки маус акс этган расмни кўрсатиб): Бу ким, болалар?

Болалар: Микки Маус!

Тарбиячи: Good! (Бу сўз «яхши!», баракалла!»ни билдиради). This is Mickey-Mouse.



Бу сичқонча Микки Маус! Биласизларми болалар сичқончи Микки Маус ҳақидаги мултфилм қайси мамалакатда ишланган? Америкада! Сичқонча Микки-Маус фақатгина инглиз тилида гаплаша олади. Бу ким бўлди?

Тарбиячи Винни-Пух ва унинг дўсти акс эттирилган расмини кўрсатади.

Болалар: Винни-Пух !



Тарбиячи: Good for you!. Вини-Пух ва унинг дўстлари Англияда яшайдилар, Нима деб ўйлайсизлар болалар Вини-Пух унинг дўсти билан қайси тилда гаплашади, инглиз тилидами ёки ўзбек?

Болалар: Инглиз тилида!

Тарбиячи: Very good! Жуда яхши!

Тарбиячи кенгуру расмини болаларга кўрсатади.

Тарбиячи: Болалар сизлар бу ҳайвон номини дарров қандай номланишин айта оласизлар. Қани ким билади?

Болалар: Кенгуру!

Тарбиячи: Very good! It's a kangaroo! Кенгуру Австралияда яшайди. У ерда ҳам инглиз тилида гаплашадилар.



Бугун бизнинг инглиз тили машғулотида болалар инглиз тили товушлари ташриф буюрдилар. Уларнинг ҳар бирларини фамилиялари бир хил Englishsounds (инглиз тили товушлари), лекин исмлари ҳар хил. [ei], [a], [b], [p], [□]: товушларни қандай таллафуз этишни ўрганадилар.

Name, hand, pencil, stop, бу сўзларни болалар тарбиячидан сўнг бир неча бор такрорлайдилар. Болалар, менга қаранг, менда нима бор. Бу сеҳрли қоп. It's the magic sack.



Бу қопда менинг дугонам яшайди. У мени олдимга Англиядан келди ва фақат инглиз тилида гапиради. У мендан сизларнинг олдингизга олиб боришимни роса илтимос қилди. Фақат у жуда уятчан. Келинглари болалар кўзларимизни беркитамиз, у пайдо бўлганда 3 гача инглиз тилида санаймиз: one, two, three! Кўзларингизни беркитинглари.

Болалар кўзларини беркитадилар.

Тарбиячи (кўлига дарров маймунжонни кияди): One, two, three! Open your eyes!



Болалар кўзларини очадилар.

Маймунжон: Hello!



Тарбиячи: Бу ким, болалар? It's a Monkey. Бу маймунжон. Oh, hello, Monkey, good to see you! (Бу мен дедим: «Салом,

Маймунжон, сени кўрганимдан хурсандман!)). Келинглар болалар маймунжон билан инглиз тилида саломлашамиз: «Hello, Monkey!»

Болалар: Hello, Monkey!

Тарбиячи: Monkey сизлар билан танишишни хохлапти! Ахир у сизларнинг исмингизни билмайдику. У сизлардан What's your name? (Исмингиз нима?) деб сўрайди, сизлар эса исмларингизни айтасизлар, шундай қилиб танишасизлар.

Тарбиячи ҳар бир бола олдига келиб кичик диалог ўтказди.

Маймунжон: Hello! My name is Monkey. What is your name?

Болалар: My name is...



Болалар шу тариқа маймунжон билан танишадилар.

Тарбиячи: Болалар маймунжон менинг қулоғимга нимадир демокчи (маймунжон тарбиячи қулоғига нимадир дейди). Ха тушунарли маймунжон. Манки бизларга инглизча бадан тарбияни кўрсатмокчи. Хохлайсизларми?

Болалар: Ха!

Манки тарбиячига қарайди.

Тарбиячи: Болалар, Маймунжон сизларни тушунмади, сизлар унинг бадан тарбиясини кўрмоқчимисизлар ёки йўқми. Келинглар унга инглиз тилида: «Yes!» («Ха!») деймиз.

Болалар: Yes!

Тарбиячи: Қани маймунжон мен сенга бадан тарбияни сўзларини инглиз тилида айтиб тураман сен эса ҳаракатда бажариб кўрсат.

Hands up! Hands down!

Jump! Jump!

Turn around!

One, two, three, hop! (Бу сўзларда болалар бир оёқда сакрайдилар)

One, two, three, stop!



Тарбиячи: Сизларга бу бадан тарбия ёқдими? Келинглр болалар бу машқни барчамиз биргаликда бажарамиз. Фақатгина бизнинг маймунжонимиз чарчаб қолди. Ахир у бизнинг олдимизга Англиядан узоқ йўл босиб келганда. Манки, қани ётиб дам ол, ухлаб ҳам ол. Биз эса болалар билан секин-аста инглизча бадан тарбияни бажариб турамыз. Хар эхтимолга қарши болаларга хайр дегин: «Хайр!» («Good-bye!»).

Маймунжон Манки: Good-bye, kids!



Тарбиячи: Қани болажонлар сизлар ҳам маймунжон Манки билан инглиз тилида хайрлашинглрчи.

Болалар: Good-bye, Monkey!

Тарбиячи маймунжонни қоп ичига солади.

Тарбиячи: Қани болалар энди бизлар маймунжонни ўйғотиб юбормаслик учун сизлар билан секин-аста инглизча бадан-тарбияни бажариб турамыз. Маймунжон Манки кейинги сафар олдимизга келганда сизларни инглизча бадан-тарбияни ўрганганлигиларни кўриб хайронда қоладида. Болалар эса бу машқни бажара бошлайдилар «Hands up! Hands down!...»

Тарбиячи: Қани энди болалар бу бадан-тарбияни менсиз бажаринглрчи. Тарбиячи бадан-тарбияни бажартириш учун

инглиз тилида буйруқлар бериши билан болалар машқни ўзлари бажара бошлайдилар. Агар болалар машқни бажаришни эрдан чиқариб қўйсалар, тарбиячи уни қандай бажаришни кўрсатади.

Тарбиячи: Good for you! («Баракалла!»). Бугун биз сизлар билан кўп қизиқарли нарсаларни ўргандик. Манки бизга қасрдан келди? У қайси тилда гаплашади? Яна қайси мамлакатларда инглиз тилида гапирилади? Инглиз тилида болалар қандай саломлашадилар ва хайрлашадилар? Good-bye!

2-МАШҒУЛОТ

Бу машғулотда болалар ўрганадилар:

1) 4 гача санашни ўрганадилар;

2) «Glad to see you!» иборасини ўргатиш;

3) «What's your name?» саволига тушуниб жавоб бериш;

4) «What's your name?», «Who are you?», саволларига «I'm ... (Sasha) курилмаларини ишлатиб жавоб берадилар.»;

5) I can... болаларнинг кўлидан кела оладиган ишлар (вазифалар) ҳақида гап кетганда ибора билан гап тузишга ўргатиш.

6) «What can you do?», «Can you ... (run)?» саволларига жавоб беришни ўрганадилар ;

8) Тарбиячининг турли-хил буйруқларини бажарадилар: «Clap your hands!», «Stamp your feet!», «Touch your ears!», «Touch your cheeks!», «Shake your hands!», «Smile!», «Run!», «Go!», «Jump!», «Hop!»

9) [r], [□], [ai], [h] товушларини талафуз этадилар.

Бу машғулотни ўтишда сизга керак бўлади:

1) маймунжон –қўғирчоқ Манки;

2) турли-хил ҳаракатни ифодаловчи кўшиқлар аудиодиски «Clap your hands»

3) югураётган, сакраётган, бир оёқда сакраётган болалар ёки хайвонлар расмлари акс эттирилган расмлар;

4) инглизча товушлар акс эттирилга расмлар.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Hello, everybody! Hello, kids! Салом, болалар! I'm very glad to see you! Мен сизларни кўрганимдан хурсандман! Let's begin our English lesson. Келинг инглиз тили машғулотиимизни бошлайлик. Oh, but where's Monkey? Маймунжон Манки қаерда? Биз у сиз машғулотиимизни бошлай олмаймиз. Ха бўлди эсладим. Манки менга бугун эрталаб сизларни олдингизга чиқишга уялишини айтганди. Келинглр болалар маймунжон Манки уялмаслигиучун кўзларимизни беркитамиз ва 4 гача санаймиз. Close your eyes and count: one, two, three, four!

Болалар (кўзларини беркитадилар): One, two, three, four!

Тарбиячи тезда кўлига кўғирчок Маймунжон Манкини кияди.

Манки: Hello, kids!

Болалар: Hello, Monkey!

Манки: Glad to see you.

Тарбиячи: Болалар, Манки сизларни кўрганидан хурсандлигини айтяпти, glad to see you. Манки, сен болаларнинг исмларини унутмадингми? Do you remember the kids' names, Monkey? Хозир текшириб кўрамиз.

Манки хар бир бола олдига келади ва аввалига болалар исмларини хато айтади, лекин у кейин эсига тушиб «эслайди»:

Манки: Are you Lola?

Тарбиячи: Сен Лола эмасмисан, айтчи: «No, I'm not». (Йўк, мен Лола эмасман).

Бола: No, I'm not.

Манки : Are you Lola?

Тарбиячи: Сен Лоласанку айтсангчи: «Yes, I am» (Ха, мен Лоламан).

Бола: Yes, I am.

Бошқа болалар билан хам Манки худди шундай қайта танишиб чиқади.

Тарбиячи: Келинглр болалар, маймулжон Манкидан бизларнинг исмларимизни сўрайликчи. Ҳар бир киши «I am ...» деб исмини айтади, масалан «I am Lola».

Болалар ўз исмларини айтадилар.

Тарбиячи: Энди менимча Манки сизларнинг исмларингизни билади. Келинг текшириб кўрайликчи. Биз барчамиз сизлар билан«Hello!» ўйинини ўйнаймиз (изоҳга қаранг). Let's play!

Болалар, тарбиячи ва Манки «Hello!» ўйинини ўйнайдилар.

Тарбиячи: Баракалла болалар, good for you, барчасини яхши бажардинглар, барчасини яхши ўйнадинглар, келинглр бунни олқишлаймиз. Clap your hands!

Болалар қарсак чаладилар.

Тарбиячи: Болалар қувноқ одамча товушларимиз яна шу ерда Englishsounds. Секин! Товушларни эшитаяпсизми?

Тарбиячи: [r], [w], [ai], [h] товушларини болаларга қандай талаффуз этишни ўргатади. Болалар тарбиячидан сўнг бир неча бор такрорлайдилар.

English sounds

[h]

[w]



[d]

[ð]




[r]

Тарбиячи: Болалар, Манки менга нимадир демокчи.

Манки тарбиячининг қулоғига нимадир деди. Ха, тушунарли, I see. Манки ўзининг дўстларини расмларини кўрсатмоқчи.

Манки болаларнинг ёки хайвонларнинг бир оёқда сакраётган, югураётган расмлари акс эттирилган расмларни кўрсатди.

Тарбиячи (болаларга расмларни кўрсатаётиб): Well, Манки, let's see your pictures. Қани, Манки, келчи сенинг расмларингни кўрайликчи. Вой сенинг дўстларинг жуда тез югура оларканлар!



Манки: They can run, and run, and run.

Ўқтувчи: Улар сакрашни ҳам биладилар.

Манки: They can jump, and jump, and jump.

Тарбиячи: Улар юришни ҳам биладилар.

Манки: They can go, and go, and go.

Тарбиячи: Бир оёқда ҳам сакрай оладилар!

Манки: They can hop, and hop, and hop.

Тарбиячи: Кулишни ҳам биладилар!

Манки: They can smile, and smile, and smile. I can do it all, too!

Тарбиячи: Манки буларнинг барчасини бажара олишлигини айтди.Келинг болалар у бизга нима қила олишлигини кўрсатсинми? Ok, Monkey, what can you do?

Манки (югуради, сакрайди,юради ва ҳк.): I can run. I can jump. I can go. I can clap my hands. I can touch my ears. I can touch my cheeks.



Тарбиячи: Great! Яша Манки, сен қанчалик кўп нарсаларни биларкансан. Болалар келинглар шундай ўйинни яна ўйнаймиз. Манкига биз ҳаракатларни бажариш учун инглиз тилида буйрук берамиз у эса бажаради хўпми болалар . Monkey, will you?

Манки: ОК.

Тарбиячи: Бизлар маймунжон Манкига ўргатамиз. Monkey, run!

Мамунжон Манки ўз жойидан силжимаЙди.

Тарбиячи: Қизиқ, мен унга: « Monkey, run!» , «Манки, югур!» дедим. Лекин у эса югурмаяпти. Нима учун, болалар, сизлар буни биласизларми? Мен топдим, мен ундан хушмуомалик билан сўрамадим. «Илтимос», инглиз тилида - «please» сўзини кўшиб айтишим керак эди. Monkey, run please.



Манки стол атрофи бўйлаб югуради.

Тарбиячи: Monkey, jump, please. Monkey, hop, please. Monkey, turn around, please. Monkey please, clap your hands. Monkey, please, stamp your feet. Monkey, hands up, please. (Манки тарбиячининг буйруғини бажаради.)

Болалар маймунжон Манкига ўргатадилар.

Тарбиячи: Good for you, kids. . Сизлар энди уларни югуришга, сакрашга ва айланишга, қўлларини тепага ва пастга туширишга, бир оёқда сакрашга ўргата оласизлар.Келинглар маймунжон Манки билан бу машқни биргаликдабажарамиз ва барча ҳаракатларни қайтарамиз.

Hands up, hands down

Jump, Jump,

Turn around.

One, two, three, Hop!

One, two, three, Stop!



Болалар, сизлар рақсга тушишни яхши кўрасизларми? Биласизларми болалар келинлар бизлар барчамиз биргаликда рақсга тушамиз, together. Менда бир чиройли қувноқ кўшиқ бор, келинлар уни эшитамиз, мен сизларга эса у мусиқа остида қандай рақсга тушишни кўрсатаман. Маймунжон Манки эса ўтириб бизларни томоша қилади. Тарбиячи “Clap your hands” кўшигини кўяди.

Тарбиячи: Энди болалар, let's dance together. Келинлар биргаликда рақс тушамиз!(Тарбиячи ҳаракатига қараб болалар рақсга тушадилар)

Stand up! Look at me and do the same:

Clap, clap, clap your hands,

Clap your hands together,

Clap, clap, clap your hands,

Clap your hands together.

Stamp, stamp, stamp your feet,

Stamp your feet together,

Stamp, stamp, stamp your feet,

Stamp your feet together.

Touch, touch, touch your ears,

Touch, touch, touch your ears,

Touch, touch, touch your ears,

Touch your ears together.

Touch, touch, touch your cheeks,
Touch, touch, touch your cheeks,
Touch, touch, touch your cheeks,
Touch your cheeks together.


Shake, shake, shake your hands,
Shake, shake, shake your hands,
Shake, shake, shake your hands,
Shake your hands together.

Smile. Smile at your friends

Let you smile together!

Давайте отдохнём!

- Clap, clap, clap your hands,
Clap your hands together.
- Stamp, stamp, stamp your feet,
Stamp your feet together.
- Shake, shake, shake your hands,
Shake your hands together.
- Smile, smile at your friends,
Let us smile together.



Тарбиячи: Well-done, kids. Баракалла, болалар, сизлар қандай яхши ижро этдинглар. Did you like this song? Сизларга қўшиқ ёқдими? Did you like to dance? Сизларга рақсга тушиш ёқдими? Кейинги машғулотларимизда ҳам бизлар яна рақсга тушамиз. Энди эса болалар сизлар билан хайрлашадиган вақтимиз бўлди! It's time to say: "Good-bye".

Манки: Good-bye, kids!

Тарбиячи: Good-bye!

Болалар: Good-bye!

3-МАШҒУЛОТ

Бу машғулотда болалар ўрганадилар:

1) инглиз тилида 5 гача санашни;

2) «Good morning!», «Good day!», «Good evening!», «Good night!»; ибораларига тушуниб гапда қўллай ўлишни ўрганадилар.

3) «I am a girl/boy» қурилмасини ўрганадилар;

4) «Yes!», «No!» деб саволларга жавоб бера олишни ўрганадилар;

5) инглиз тилидаги товушларни ўргатиш [d], [f], [θə].

Бу машғулотда керак бўлади:

1) маймунжон-қўғирчоқ Манки;

2) «Clap your hands» қўшиғи аудио диски ёки турли ҳаракатларни ифодалайдиган ҳар қандай болалар учун қўшиқ;

3) куннинг (эрталаб, тушдан кейин, кечқурун, кечаси) суратлари;


4) қўғирчоқ Зумрад;

5) инглизча товушлар.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Hello, everybody! Hello, kids! Салом болалар! I'm so glad to see you! Мен сизларни кўрганимдан хурсандман! Let's begin our English lesson. Келинг инглиз тили машғулотимизни бошлаймиз. Oh, but where's Monkey? In the magic sack! Биз у сиз машғулотимизни бошлай олмаймиз, келинглр болалар кўзларимизни беркитамиз ва уни чакирамиз. Фақатгина бизлар бугун 4 гача эмас, балки 5 гача санаймиз. Say after me! One, two, three, four, five.

Болалар санайдилар.



Тарбиячи: Well-done. Close your eyes and count: one, two, three, four, five!

Болалар (кўзларини беркитадилар): One, two, three, four, five!

Тарбиячи дарровда кўғирчоқни кўлига кияди.

Манки: Hello, kids!

Болалар: Hello, Monkey!

Манки: Hello, girls! Hello, boys! Glad to see you!

Тарбиячи: Болалар, Манки сизларни кўрганидан хурсандлигини айтаяпти. У қизларни(girls) ва ўғил болаларни кўрганлигидан хурсанд (boys). Келинглр Манки аввал кизлар билан саломлашади, кейин ўгил болалар билан.

Қизлар: Hello, Monkey!

Ўғил болалар: Hello, Monkey!

Тарбиячи: Болалар, Манки сизлардан қайси бирингиз ўғил бола, қиз бола эканлигингизни билишни хоҳлайди.

Манки (болаларга яқин келиб): Are you a girl/Are you a boy?

Болалар: Yes, I am a girl/boy.



Тарбиячи: Good for you, kids! Манки сизлар билан ўйнашни хоҳлайдими? Сизлар ўйнашни яхши кўрасизларми? Let's play together.

Тарбиячи ва Манки «Hello!» ўйинини ўйнайдилар (Изоҳга қаранг). Болалар ўйнайдилар.

Тарбиячи: Баракалла, good for you, барча нарсани яхши топдилар, келинглр буни олқишлаймиз. Clap your hands!

Болалар қарсак чаладилар.

Тарбиячи: [d], [f], [□ə] инглизча товушларни расмлар, ҳаракатлар орқали қандай талаффуз этишни ўргатади. Болалар бир неча бор тарбиячидан сўнг қайтарадилар.

Тарбиячи: Болалар, Манки менга нимадир демоқчи.

Манки тарбиячининг кулоғига нимадир деди.

Тарбиячи: Ха тушунарли, I see. Манки бугун бизнинг олдимизга ўзининг дўсти билан бирга келипти. Лекин у ҳам сеҳрли қопчадан чиқишга уялаяпти, келинглар уни ҳам дўсти билан бирга чақирамиз! Кўзларимизни беркитамиз ва 5 гача санаймиз: Close your eyes and count: one, two, three, four, five!

Болалар: one, two, three, four, five!



Тарбиячи қопчадан кўғирчоқни олади.

Кўғирчоқ: Good day, kids! I am a doll. My name is Zumrad.

Тарбиячи: Болалар, кўғирчоқ Зумрад сизлар билан бугун бошқача саломлашди, у: «Good day!» (Хайрли кун!) дедими. Келинглар бизлар унга дўстона: «Good day, Zumrad!» деб жавоб берамиз.

Болалар: Good day, Zumrad!

Тарбиячи: Кўғирчоқ Зумрад (тонг, кундуз, кечкурун, тун акс эттирилган расмларни олади): I have some pictures. It's the morning. Say after me: Morning! Good morning!

Болалар: Morning! Good morning!


Тарбиячи: Келинглар дўстимиз Зумрадга хайрли тонг деб инглиз тилида айтамыз:

Good morning, good morning, good morning my doll,

Good morning, good morning, good morning you all!

Болалар қайтардилар.

Кўғирчоқ: Кундуз кун акс эттирилган расмни кўрсатиб It's the day! Say after me: "Good day!" деб болаларга қайтартиради.



Тарбиячи: Кундуз кунлари биз нималар қиламиз? Биз югурамиз (run), сакраймиз (jump), юрамиз (go), бир оёқда сакраймиз (Hop!).

Тарбиячи болаларга буйруқ беради, улар уни бажара бошлайдилар.


Қўғирчоқ (кечқурун акс эттирилган расми кўрсатади): It's the evening! Say after me: "Good evening!"

Тарбиячи: Good evening, good evening, good evening, my doll, Good evening good evening, good evening, you all!

Бола қайтарадилар.

Тарбиячи. Кечқурун рақсга тушиш ҳам мумкин. Let's dance together!

Тарбиячи «Clap your hands» қўшиғини кўяди. Болалар қўшиқ куйлаб рақсга тушадилар.



Тарбиячи: Well-done, kids! Кечқурундан сўнг тун тушади. Ухлашга ётишга вақт бўлади. It's time to go to bed. Зумрад, ухлашдан олдин нима деймиз: «Хайрли тун!»

Қўғирчоқ (тун расми акс эттирилган расми кўрсатади): Good night!

Болалар қайтарадилар.

Тарбиячи: Болалар, келинлар сизлар билан биргаликда бир-биримизга хайрли тун тилаймиз.

Good night, good night, good night, my doll,
Good night, good night, good night, you all!

Тарбиячи Манки ва қўғирчоқни қопга солади.

Тарбиячи: Good, kids. Our lesson is over. Good-bye!

4-МАШҒУЛОТ

Бу машғулотда болалар ўрганадилар:

1) инглиз тилида 1дан 5 гача санашни қайтариш;

2) «How are you?» саволига жавоб беришни ўрганиш.

3) «I am fine/good, I am great!, I am O.K, I am so-so
ибораларини қўллаб мулоқатга кириши олишни ўрганадилар;

4) инглиз тилидаги тоушларни ўргатиш [ɔ:], [u],[u:], [æ], [r],
[kw].

Бу машғулотда керак бўлади:

1) маймунжон-қўғирчоқ Манки;

2) «What's your name?» кўшиғи аудио диски ёки турли
харакатларни ифодалайдиган ҳар қандай болалар учун кўшиқ;

4) қўғирчоқ Зумрад;

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Hello, everybody! Hello, kids! Салом болалар! I'm
so glad to see you! Мен сизларни кўрганимдан хурсандман! Let's
begin our English lesson. Келинг инглиз тили машғулотимизни
бошлаймиз. Oh, but where's Monkey? In the magic sack! Биз у сиз
машғулотимизни бошлай олмаймиз, келинглр болалар
кўзларимизни беркитамиз ва уни чақирамиз. Фақатгина бизлар
бугун 4 гача эмас, балки 1дан 5 гача санаймиз. Say after me! One,
two, three, four, five.

Болалар санайдилар.

Тарбиячи: Well-done. Close your eyes and count: one, two,
three, four, five!

Болалар (кўзларини беркитадилар): One, two, three, four,
five!

Тарбиячи дарровда қўғирчоқни кўлига кияди.

Манки: Hello, kids!

Болалар: Hello, Monkey!

Манки: Hello, girls! Hello, boys! Glad to see you!

Тарбиячи: Болалар, Манки сизларни кўргиндани хурсандлигини айтаяпти. У қизларни(girls) ва ўғил болаларни кўрганлигидан хурсанд (boys). Келинлар Манки аввал қизлар билан саломлашади, кейин ўғил болалар билан.

Қизлар: Hello, Monkey!

Ўғил болалар: Hello, Monkey!

Тарбиячи: Болалар, Манки сизлардан бугун хол-аҳвол сўрайди. Сизнинг кайфиятингизни сўрамоқчи. Сизлар эса мен ўргатганимдек жавобингизни ҳаракатлар билан кўрсатинлар, тушунарлими болажонлар.

Манки (болаларнинг ҳар бирларини олдига яқин келиб):
How are you?

Бола: I am O.K. «I am fine/good, I am great!, I am O.K, I am so-
ибораларини қўллаб мулоқатга киришадилар.

Тарбиячи: Good for you, kids! Манки сизлар билан ўйнашни хоҳлайдими? Сизлар ўйнашни яхши кўрасизларми? Let's play together.

Тарбиячи ва Манки «Hello!» ўйинини ўйнайдилар (Изоҳга қара). Болалар ўйнайдилар.

Тарбиячи: Баракалла, good for you, барча нарсани яхши топдилар, келинлар буни олқишлаймиз. Clap your hands!

Болалар қарсақ чаладилар.

Тарбиячи: Болалар, Манки менга нимадир демоқчи.


Манки тарбиячининг қулоғига нимадир деди.

Тарбиячи: Ха тушунарли, I see. Манки бугун бизнинг олдимизга ўзининг дўсти билан бирга келибти. Лекин у ҳам сеҳрли қопчадан чиқишга уялаяпти, келинлар уни ҳам дўсти билан бирга чақирамиз! Кўзларимизни беркитамиз ва 5 гача санаймиз: Close your eyes and count: one, two, three, four, five!

Болалар: one, two, three, four, five!

Тарбиячи қопчадан кўғирчоқни олади.

Кўғирчоқ: Good day, kids! I am a doll. My name is Zumrad.
How are you today?



Тарбиячи: Болалар, кўғирчоқ Зумрад сизлар билан бугун бошқача саломлашди ва сизлардан хол ахвол сўраяпти. Сизлар унинг саволларига қандай жавоб беришни биласизлар-а, тўғрими, чунки ўтган машғулотида ўрганганмиз: Келинлар бизлар унга дўстона: «I am fine/good, I am great!, I am O.K, I am so-so» ибораларини қўлаб жавоб берамиз. Энди сизлар ҳам ундан инглиз тилида ахволларингиз қалай деб хол-ахвол сўрангларчи. Бу саволни инглиз тилида қандай сўраб эдик қани болажонлар.

Болалар: How are you Zumrad!

Тарбиячи: Кўғирчоқ Зумрад қани жавобингни берчи: «I am fine/good, I am great!, I am O.K, I am so-so»



Тарбиячи: Келинлар дўстимиз Зумрад билан инглиз тилида хайрлашамиз.

Болалар: Good- bye Zumrad!

Кўғирчоқ: Good- bye Kids! деб болаларбилан хайрлашади.

Тарбиячи Манки ва кўғирчоқни қопга солади.

Тарбиячи: Инглиз тилидаги товушларни турли-хил расмлар, ҳаракатларда ўргатади. Болалар бир неча бор тарбиячидан сўнг кайтарадилар[ɔ:], [u], [u:], [æ], [r], [kw].

Тарбиячи: Good, kids. Our lesson is over. Good-bye!

2-МАВЗУ: «ХАЙВОНЛАР/ ANIMALS»

(5-8 машгулотлар)

Let's Learn About Animals



Мавзу юзасидан сўзлар:

Bear – айик;

hare – куён;

cat – мушук;

dog – ит;

wolf – бўри;

fox – тулки;

lion – шер;

elephant – фил;

tiger – йўлбарс;

monkey – маймун;

donkey – эшак;

zebra – зебра;

giraffe – жираф;

squirrel – олмахон;

crocodile – крокодил;

frog – бака;

cow – сигир;

horse – от;
fish – балиқ;
pig – чўчка;
sheep – қўй;
duck – ўрдақ;
bird – қуш;
goose – ғоз;
cock – хўроз;
turtle – тошбақа;
mouse – сичқон;
butterfly – капалақ;
hippo – бегемот;
rat – каламуш;
parrot – тўти;
rabbit – қуён
hamster – хамстер
forest – ўрмон;
farm – ферма;
jungle – джунгли ўрмон;
fly – учмоқ;
swim – сузмоқ;
come back – қайтиб келмоқ;
climb a tree – дарахтга тирмашмоқ.

5-МАШГУЛОТ

Бу машгулотда болалар ўрганадилар:

- 1) инглиз тилида 6 гача санашни;
- 2) баъзи хайвонларни инглиз тилида қандай номланишини ўрганиш;
- 3) тарбиячининг саволига қисқа жавоб беришни ўрганиш «Yes, I can».
- 4) улар ҳеч нарса қила олмасликлари ҳақида хабар бериш;
- 5) моделга асосан инглиз тилидаги жумлаларни мустақил равишда яратиш I am ... (a girl/boy, five, from Russia).

Бу машғулотга сизга керак бўлади:

1) қўғирчоқ -маймунжон Манки;

2) “а” артикли билан копток;

3) картондан кесилган инглиз тилидаги шаҳар аҳолиси (I, am, a, girl...);

4) ўйинчоқ айик, қуён, ит, мушук, сичкон;

5) "Teddy-bear" қўшигининг овозли ёзуви ёки турли ҳаракатларга таалукли ҳар қандай қўшиқ;


6) инглиз тилидаги товушлар [s], [e], [m], [z];

6) қумуш ёки олтин "сеҳрли" таёқ.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Hello, everybody! Good to see you again. Let's begin our English lesson. Today we'll learn how to count to six. Бугун биз сизлар билан бгача санашни ўрганамиз. Энди сизлар ёшингизни нечада эканлигини айта ласизлар. How old are you?

Болалар: I am five (six).



Тарбиячи: Good for you.



Ёдингиздами, бизлар қачон санасак, Манки бизнинг олдимизга келади. You count like this: one, two, three, four, five, six. OK? Now close your eyes.

Болалар кўзларини юмадилар ва инглиз тилида 6 гача санайдилар. Манки пайдо бўлади.

Манки: Hello, kids!


Тарбиячи: Hello, Monkey. Good to see you.

Манки: Hello, Lola. Hello, Karim. Good to see you.

Манки ҳар бир бола билан саломлашади.

Болалар: Hello, Манки (Good to see you, too.)

Тарбиячи: инглиз тилидаги [s], [e], [m], [z] товушларини турли-хил расмлар, ҳаракатлар орқали ўргатиш ;



Тарбиячи (сеҳрли қопдан бир қўғирчоқни оладаи масалан: Микки Маус ва ундан сўрайди): Where are you from?

Микки Маус: I am from the land of English words.

Тарбиячи: Бу одамча инглиз тили сўзлари мамлакатидан келган. Биз сизлар билан қайси мамлакатда яшаймиз.

Болалар: Ўзбекистонда.

Тарбиячи: Тўғри! Ўзбекистонда. Мен Ўзбекистонданман. I am from Uzbekistan.

Болалар: I am from Uzbekistan .

Микки Маус тарбиячи қулоғига нимадир деб шивирлайди.

Тарбиячи: Микки маус менга ўзининг мамалакати ҳақида гапириб берди. У ерда сўзлар яшайди. I (мен) сўзи кучукчаси ам билан ўйнашни яхши кўради. Қаранг! (кесилган фигурали ҳарфларни кўрсатади). Баъзан улар бошқа сўзларга меҳмонга борадилар. Бугун I ва am girl (қиз бола) никига меҳмонга борадилар. У ўзи ёлғиз ўзи яшайди. Унга зерикарли бўлмаслиги учун, у ўзи билан доим кичик а билан коптоқ олиб юради ва улар бирга сайр қилишга кетдилар. Қаранглар, бу сўзларни бирга бирлаштирсак қандай гап ҳосил бўлади: I am a girl. (Мен қиз боламан).

Тарбиячи: Болалар, мен сизларни инглиз тилидаги сўзлар шахрига айлантирай. Сеҳрли таёқчани айлантираиб. Акмал I бўлади, Латиф –am, Лола - girl, Вали - boy ва ҳқ.

Болалар картондан кесилган харфларни ушлаб инглиз тилида гап тузиш учун бир қаторда турадилар, масалан: I am Ann, I am a girl. I am five. I am from Uzbekistan.

Тарбиячи. Well done, kids! Ребята, Манки ўзи билан ўйинчоқлар олиб келибти. Мана улар. Фақатгина Англияда уларнинг номлари бошқача аталадилар, бизникидақа эмас.

(Тарбиячи ўйинчоқ айиқчани олади). Monkey, what's this?

Манки: It's a bear. It can climb.

Тарбиячи (болаларга айиқчани кўрсатиб): Look here, посмотрите, it's a bear. Бу айиқча. It can climb. У чакконлик қила олади, масалан, асал учун дарахтга чика олади. (куённи олади) And what's this?

Манки: It's a hare. It can jump.

Тарбиячи (куённи болаларга кўрсатиб): Look, it's a hare.



Бу куён. It can jump. У сакрай олади. Болалар сездингизми Манки ҳар бир ҳайвон номи олдидан “а” сўзини қўйяпти. “а” артиклини болаларга кўрсатади, уни ўйинчоқлар билан таништиради. Бу сўз болалар «битта» деган маънони беради – битти айиқча, битта куён. Тарбиячи кучукчани олади. Monkey, and what's this?

Манки: It's a dog.

Тарбиячи (кучукчани болаларга кўрсатиб, кейин Манкига мурожат қилади): Yes, it's a dog. What can it do?

Манки: It can run.

Тарбиячи (мушукни олади): And what's this?

Манки: It's a cat. It can climb and run.

Тарбиячи(сичқонни болаларга кўрсатиб): Look, it's a mouse. Бу сичқон. It can run. У югура олади. Болалар Манкининг яхши дўстлари бор экан -а? Манки улар билан жуда ҳам ўйнагиси келаяпти. Келинг жумбоқларни ўйнаймиз. Мен ҳайвонни нима қилиши мумкинлигини айтаман, сизлар эса унинг қандай ҳайвон эканлигини топасизлар. Listen to me. It can jump. What is it?

Агар болалар жавоб беришда қийналсалар маймунжон Манки бир ишора сифатида сакраши мумкин.

Болалар: It's a hare.

Тарбиячи: Well-done! Now listen again. Яна эшитинг. It can run. What is it?

Болалар: It's a dog. It's a cat. It's a mouse.



Cat
Meow



mouse

Тарбиячи: Very good. Now listen again. It can climb. What is it?

Болалар: It's a bear. It's a cat.



cat

Тарбиячи: Excellent! Энди эса, Лола, Зарифа, Дониёр, Расул, бу ёққа келинглар (4 та болаларни чақириб, уларнинг ҳар бирига ўйинчоқ беради). Мен бирор ҳайвонни қила олади дейишим билан сизлар ўинчоқ ҳайвонларингизга тегишли бўлса уларни тепага кўтарасизлар. (It can run. It can jump) Listen to me. It can run.

Болалар мушук, сичқон, итларини кўтаради.

Тарбиячи: Very well! It can jump.

Болалар қуённи кўтаради.

Тарбиячи: Excellent, it's a hare. It can climb.

Болалар айиқ ва мушукни кўтарадилар.

Тарбиячи: Well-done. It's a bear and it is a cat.

Тарбиячи: Болалар сизлар биласизларми Англияда ва Америкада ўйинчоқ айикни Teddy bear деб атайдилар. У ҳақида хаттоки қўшиқ ҳам бор. У қўшиқни куйлаётганимда хаттоки бир оз айик бўлишинг керак. Келинглр мен ҳозир сизларни айикқа айлантириб қўяман. Doniyor, come here! Turn around! Тарбиячи сеҳрли таёқчасини айлантиради. You're a bear now.

Тарбиячи барча болаларни айикқа «айлантириб» қўяди (барчасини бирданига ёки навбатма-навбат).

Тарбиячи: Ана энди қўшиқни куйлашимиз мумкин ва айик рақсини ҳам тушишимиз мумкин. Now, stand up. Listen to the song and look at me.



Teddy bear, Teddy bear.

Turn around .

Teddy bear, Teddy bear ,

Touch the ground

Teddy bear, Teddy bear,

Polish your shoes.

Teddy bear, Teddy bear

Off to school.

Тарбиячи: Болалар карангларчи Манки чарчаганга ўхшайди, у ухлаб кетаяпти. Инглизлар ухлашдан олдин нима дер эдилар? Жуда тўғри, good night. Келинглр тасаввур қиламиз ҳозир тун ва Манкига хайрли тун тилаймиз. Good night, Monkey!



Болалар: Good night, Monkey!

6-МАШҒУЛОТ

Бу машғулотда болалар ўрганадилар:

- 1) инглиз тилида 7гача санашни ўрганиш;
- 2) «It is a ...(bear)» структурасини қўллаб баъзи хайвонларни номини инглиз тилида айтилишини ўрганиш ;
- 3) «What is it?» саволига жавоб беришни ўрганиш;
- 4) «Yes, it is», «No, it is not» журилмаганини қўллаб саволларга жавоб бериш;
- 5) [эа], [аu] товушларини талаффуз қилишни ўрганиш;
- 6) жамоада турли-хил ҳаракатларни бажариш.

Бу машғулотда сизга керак бўлади:

- 1) қўғирчоқ маймунжон- Манки;
- 2) ўйинчоқ айик;
- 3) инглиз тилидаги товушлар [эа], [аu], It, is, а сўзлари акс эттирилган кўргазмалар ва хайвонларнинг расмлари; куён, айик, сичқон, мушук, итлар);
- 4) Тарқатма материаллар-хайвонларнинг суратлари.

Машғулотнинг бориши

Тарбиячи: Hello, everybody! Good to see you again. Салом, болалар, сизларни яна қайтадан кўрганимдан хурсандман. Let's begin our English lesson. Where is Monkey?

Болалар: In the magic sack.

Тарбиячи: Yes. Today we'll learn how to count to seven. Let's count and Monkey will come to us. Are you ready? Болалар, нега сизлар менинг саволимга жавоб бермаяпсиз, ахир мен инглиз тилида сўрадимку: «Are you ready?», яъни «Сизлар тайёрмисизлар?». Шундай жавоб бериш керак: «Yes, we are!», бу шуни англатадики «Ҳа, (бизлар тайёрмиз)!». Яна бир марта уриниб кўрайлик. Are you ready?

Болалар: Yes, we are.

Тарбиячи: Very good. Now let's count to seven. Close your eyes. Don't open your eyes, Akmal! Now count!

Болалар: One, two, three, four, five, six, seven.

Тарбиячи (Манкини тарбиячи қўлига кияди): Open your eyes. Hello, Monkey!

Манки: Hello! Hi, kids! Hello,Rasul. Hello,Doniyor !... (ҳар бир бола билан саломлашади).

Болалар Манки билан саломлашдилар.



Тарбиячи: Болалар, Манки ухлаётган экан биз уни уйғотиб қўйибмиз. Уни яхшилаб уйғониши учун келинлар машқ қилайлик.

All together (Барча биргаликда).

Hands up! Hands down!

Jump! Jump!

Turn around!

One, two, three, hop! (Ушбу сўзлар билан бир оёқда сакраш керак)

One, two, three, stop!

Болалар машқ қиладилар.

Тарбиячи: Well done!

Тарбиячи: Болалар, ҳеч нарса эшитмаяпсизми? Бу инглиз тилидаги товушлар шу ерда. Тарбиячи сеҳрли қопдан каттик картонда акс эттирилган [эа], [ау] товушларини олади ва у товушлардан бири яъни [□э] ни стол устида ўйнатади - [□э] - [□э] - [□э]. Say after me [□э] - [□э] - [□э] - [□э]. Биз бу товуш билан айтиладиган бир неча сўзларни биламиз. Say after me – bear, hare. А у ерда ким бакираяпти? [ау] - [ау] - [ау] – кучукка ўхшаб вовиллаяптими. Келинлар бизлар ҳам ана шундай вовиллваймиз: [ау] - [ау] - [ау] – mouse.

Болалар товушларни қайтарадилар.

Тарбиячи: Болалар , одамчалар ёлғиз келмаган экан, улар дўстлари билан келибтилар – инглизча сўзлар билан English

words. It's I. Бу Ай. Бу эса унинг ити Ам. Келинлар айтамыз: I am

Болалар: I am.

Тарбиячи: Манкига эслатинг, қайси бирингиз қиз бола, қайси бирингиз ўғил бола.

Болалар: I am a girl. I am a boy.

Тарбиячи: Одамчанинг дўсти I ни дўсти It, ўзбек тилида қандай айтилади. Бу. Унинг ити is деб номланади. It ва is бизникига меҳмонга келяптилар. Манки, қара нима хосил бўлди: It's Lola. Бу Лола. It's Akmal. Бу Акмал. Болалар,

« Бу Манки» деб инглиз тилида қандай айтилар экан.

Болалар: It is Monkey!

Тарбиячи: Good for you! Манки ўзининг дўстларининг расмларини олиб келибти.

It's a bear!

It's a hare!

It's a dog!

It's a cat!

It's a mouse!

Болалар ҳайвонларнинг номларини тарбиячидан сўнг қайтарадилар.

Тарбиячи: Энди болалар мен сизларга саволлар бераман сизлар эса «ха» (Yes, it is), ёки «йўқ» (No, it is not) деб жавоб берасиз.

Is it a bear? Is it a cat? Is it a dog? Is it a mouse? Is it a hare?

Болалар: « Yes, it is», « No, it is not».

Манки тарбиячининг қулоғига нимадир деб шивирлайди.

Тарбиячи: Болалар қани топингчи, Манки ўзи билан бирга қандай дўстини олиб келди. Ким бўлиши мумкин? Who is it?

Болалар: It's a hare! Is's a dog! It's a bear!

Тарбиячи: You are right! It's a bear. It's not a real bear, it's a teddy bear. Сизлар жуда тўғри айтдингиз, бу ҳақиқатдан ҳам айик! Лекин ҳақиқий эмас, ўйинчоқ. Келинлар уни чақирамиз! Close

your eyes and count: One, two, three, four, five, six, seven. Боллар санайдилар. Тарбиячи айикларни олади.

Тарбиячи: What is it? It's a teddy bear! All together! Teddy bear.



What's this?



It's a bear.

Айик: Hello, kids! I am a teddy bear! I like to sing and to dance. Let's sing and dance together.

Боллар айик билан бирга рақсга тушиб куйлайдилар.

Teddy bear, Teddy bear

Айик: Well done, kids!

Манки: I like to sing, dance and listen to the music, too!

Тарбиячи: Манки айтяптики у қўшиқ айтишни рақсга тушишни ва мусиқа тинглашни яхши кўради!

Манки: I would like to show you a dance! Clap your hands! Stamp your feet! Turn around! Jump up high!

Clap your hands, clap your hands,

Listen to the music and clap your hands.

Stamp your feet, stamp your feet,

Listen to the music and stamp your feet.

Turn around, turn around,

Listen to the music and turn around.

Jump up high, jump up high,

Listen to the music and jump up high.

Манки: Good! I am tired! I want to sleep. I go in the magic sack! Bye-bye, kids!

Тарбиячи: Манки чарчаганлигини ва ўйқуси келгинлигини айтаяпти! Келинлар барчамиз унга хайрли тун тилаймиз: «Bye-bye!».

7-МАШҒУЛОТ

Бу машғулотда болалар ўрганадилар:

- 1) инглиз тилида 8 гача санашни;
- 2) «This is a ... (bear)» структурасидан фойдаланиб ўрмон хайвонларини инглиз тилида номини ўрганиш;
- 3) «What's this?» саволи ёрдамида бирор бир предметни кўрсатиб унга жавоб беришни ўрганиш;
- 4) «What is it?» саволини бериш ва унга жавоб беришни ўрганиш;
- 5) «Come back!», «Fly away» конструкцияларини тушуниш;
- 6) инглиз тилидаги товушларни ўрганадилар: [ə:], [iə], [ð], [θ].

Бу машғулотда сизга керак бўлади:

- 1) Маймунжон–қўғирчоқ Манки;
- 2) ўйинчоқ куш, бўри, тулки, айиқ, куён, сичконча (сиз баъзи бир ўйинчоқларни, кушлардан ташқари расмлар билан алмаштиришингиз мумкин бўлади);
- 3) инглиз тилидаги товушлар: [ə:], [iə], [ð], [θ].

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Hello, everybody! I am very glad to see you again. Салом болалар, мен сизларни яна кўрганимдан хурсандман. Let's begin our English lesson. Today we'll learn how to count to eight. Let's count and Monkey will come to us. Are you ready?

Болалар: Yes, we are.

Тарбиячи: Very good. Now let's count to eight. Close your eyes and count!

Болалар: One, two, three, four, five, six, seven, eight.

Тарбиячи (қўлига Манки қўғирчоғини кияди): Open your eyes. Hello, Monkey!

Манки: Hello, kids!





How are you today?



I am fine.



I am OK.



I am so-so.

Болалар Манки билан саломлашадилар.

Тарбиячи: Болалар, сиз қачондир ўрмонда бўлганмисиз? Сизга у ер ёққанми? Сизлар у ерда нималарни кўрдингиз? Сизлардан кимдир ўрмон хайвонларини кўрдингизми? Акмал, сен қайси хайвонни кўрдинг? Лолачи? Бўриними, тулкиними кимдир кўрдими? Нима деб ўйлайсиз нега тулкини ўрмонда топиш кийин? Эхтимол у одамлардан кўркиб яшириниб юрса керак? Келинглр бугун сизлар билан сеҳрли ўрмонга биргаликда борамиз. Ундаги ҳайвонлар яширинмайдилар, балки одамлар олдига чикиб улар билан ўйнайдилар. Stand up! Let's go to the forest! Қани кетдик ўрмонга. (Тарбиячи ўрнида туриб «кетдик» деб ҳаракат қилади, Манки ҳам «кетдик» деб оёқчаларини столда ҳаракатлантиради). Go, Akmal! Go, Lola! Let's go to the forest together.

Болалар ўрмон бўйлаб «борадилар».



Тарбиячи: Қандай бу жой чиройли! Хар-хил товушлар эшитилапти. Асалари учаяпти [ð] - [ð] - [ð]. У тилингизни тишлар орасига қўйсангиз чикиб келади. Ниначи эса жимгина учади [0] -

[θ] - [θ]. Вой айикчи [э:] - [э:] - [э:] деб бўкираяпти. Мана булр эса икки кушчалар, кичиги [iə] - [iə] - [iə] деб куйлаяпти, каттаси эса [u] - [u] - [u] деб куйлаяпти, менимча эса булар сўзлар бўлса керак, ха бўлди топдим, кичиги куш, каттаси эса бу бойкуш. Қарангчи ким бакираяпти? [au] - [au] - [au] – кучукчаку ўрмон ичига кириб кетди? Болалар биз ҳам кучукчаларга ўхшаб вовиллаймиз. Болалар товушларни қайтарадилар.

Манки: [ha - ha - ha], [he - he - he].

Тарбиячи: Ким бу ерда кулаётган? Манки? Болаларнинг кучукларга ўхшаб вовиллашлари кулгили туюляпти?

Тарбиячи: Болалар, қаранглар бу ерда қанча хайвонлар бор. What is it?

Тарбиячи ўйинчок хайвонларни бирма бир олиб инглиз тилида It's a курилмаси ёрдамида ўргатади.

It's a bear!

It's a hare!

It's a fox!

It's a bird!

It's a wolf!

It's a frog!

It's a mouse!



Тарбиячи: Энди эса болалар сизларни 3 жамога бўламиз. Now I give you the pictures of wild animals. Тарбиячи ўй хайвонлар

ва ёввойи хайвонлар расмларини тарқатади. Келинлар болалар сизлар билан «Менга кўрсат» ўйинини ўйнаймиз. Let's play the game "Please show me" (Изоҳга қаранг)

Болалар ўйнайдилар.

Тарбиячи: And now let's play the game "Please give me".
(Изоҳга қаранг)

Болалар ўйнайдилар.

Тарбиячи: Now the game is over. Бўлди, баракалла мана ўйинимиз тугади. Sit down, please. Oh, I can see two birds. Вой мен бирданига 2 та қушларни кўраяпман. Улар бизга инглизча қофиялардан келган. Қушчаларнинг бири Питер, бошқаси эса Пол. Look at me!

Two Little Black Birds

Two little black birds

Sitting on the wall

One named Peter,

The other named Paul.

Fly away Peter!

Fly away, Paul!

Come back, Peter!

Come back, Paul!

Болалар ҳаракатларда кўрсатиб рифмофкани бир неча марта қайтарадилар.

Тарбиячи: Бугун сизлар билан мазза қилиб ўйнадик. Нималарни ўргандингиз бугун? Инглиз тилида «типратикан»? «бўри»? «тулки» хайвонларини қандай атаймиз? Манки аллақачон ўйкуга кетди, келинлар секин хайрлашамиз-Good – bye!

8-МАШҒУЛОТ

Бу машғулотда болалар ўрганадилар:

1) инглиз тилида 9 гача санашни;

2) баъзи хайвонларни инглиз тилида айтишни;

3) “Are you... (a boy)? қурилмасини қўллаб саволлар беришни ўрганиш”

4) “Good afternoon” салмлашишини ўрганиш.

5) ундош товушларни талаффузини ўргатиш;

6) аниқ артиклни ўргатиш.

Бу машғулотда керак бўлади:

1) маймунжон - қўғирчоқ Манки;

2) ўйинчоқ куш, айик, қуён, тулки, бўри, мушук, ит, сичқон (баъзи ўйинчоқларни рамслар билан алмаштрса ҳам бўлади);



3) the кубик;

4)инглиз тилидаги сўзлар: “You”, “are”.

5)инглиз тилидаги товушларни ўргатиш[ou], [æ], [i], [k], [g].

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Hello, everybody!



Good to see you again. Let's begin our English lesson. Today we'll learn how to count to nine. Say after me: one, two, three, four, five, six, seven, eight, nine. I think, Monkey wants to come to you very much. Just close your eyes and Monkey will be here soon. Оддийгина кўзингизни юминг ва у тез орада шу ерда бўлади. Have you all closed your eyes? Барчангиз кўзингизни беркитдингизми? No, Maftuna and Shahlo haven't closed their eyes yet. Let's wait for Maftuna and Shahlo. OK. Are you ready?

Болалар: Yes, we are.

Тарбиячи: Let's count then. One, two, three, four, five, six, seven, eight, nine!

Болалар тарбиячидан сўнг қайтарадилар. Манки пайдо бўлади.

Манки: Good afternoon, kids!

Тарбиячи: Good afternoon, Monkey. Болалар, Манки бутун бизлар билан қандайдир бошқача саломлашдан. У «Good afternoon!», деди бу эса инглиз тилида «Хайрли кун!» дегани. Инглиз тилида шундай қилиб саломлашса ҳам бўлади.

Манки: Good afternoon, good afternoon, good afternoon to you, Good afternoon, good afternoon, I am very glad to see you!

Тарбиячи: Болалар, келинглр жўр бўлиб Манкига “Good afternoon” деймиз. All together!

Болалар: Good afternoon!

Тарбиячи: Excellent! Биз сизлар билан энди саломлашишини ўрганиб олдик. Келинглр сизлар билан ўзимизнинг «Hello!» ўйинини ўйнаймиз, эсингиздами? (Изоҳга қаранг). Фақатгина биз hozir унга «Good afternoon» дея оламиз. Now, let's play. Келинглр «Good afternoon» деймиз. Let's play.

Болалар ўйнайдилар.

Тарбиячи: Баракалла болалар, good for you, барчасини тўғри топдинглар, яхши ўйнадилар, келинглр қарсак чалиб олқишлаймиз. Clap your hands.

Болалар қарсак чаладилар.

Тарбиячи: Болалар бу ўйинда бизга инглизча сўзлар ёрдам берди. Қайси? Бу сўз I ва унинг кучукчаси am. Биз hozir айтдикку Yes, I am. Яна қандай?

Болалар: you ва are.



Тарбиячи: Тўғри, келинглр болалар бизга меҳмон бўлиб келган яна бир инглиз тилидаги сўз билан танишайлик. Унинг исми “You”, “сиз” дегани нима ўзи ва унинг кучукчаси “are”. You

ва аге бу ёкка келинглар (Come here)! Болалар келинглар уларни чақирамиз.



Болалар: Come here.

Тарбиячи: Болалар, келинглар шу инглиз тили сўзлари ёрдамида кимнинг исми қандай, ким қиз бола, ким ўғил бола ҳақида Манки билан суҳбат уюштирамиз, қани Манки бошладик. Monkey, let's start.

Манки: You are Lola . You are a girl!

Болалар бир-бирларига қараб буриладилар ва ўйинни давом эттирадилар.

Тарбиячи (болаларга билдирмасдан столни тақиллатади): Вой, ким тақиллатяпти? Болалар эшитдингларми.

Болалар: Yes.

Тарбиячи: Ҳа булар ахир ўрмондаги меҳмонларимизку (forest animals). Демак болалар ўтган сафар сеҳрли ўрмондаги ўйинимиз уларга ёкқан, шунинг учун улар бизнинг олдимизга келдилар, шундайми азиз болажонлар. Лекин улар бизнинг олдимизга киргани кўрқаяптилар, келинглар уларни инглиз тилида чақирамиз. «Come here!». Манки, сен биринчи бўлиб чақиргин.

Манки: Bear, come here!



Тарбиячи сеҳрли қопчадан айикчани олади. Тарбиячи: Here's the bear. Биз бу айикни биламиз- а болалар шунинг учун унинг олдига кичкина «the» артиклини қўямиз, the bear. Болалар эса сақланг бу биз танийдиган айик.



(Тарбиячи ўйинчоқ айик олдига «the» деб белгиланган кубикни қўяди). Ана энди болалар хайвонларни чақиринг. Агар сизлар хайвонлар номини инглиз тилида айтишни унутган бўлсангиз сизларга Манки ёрдам беради шундайми Манки.

Болалар (хайвонларни«чақирадилар»): Fox, come here! Bird, come here! Dog, come here! Hare, come here! Wolf, come here! ва хк.

Тарбиячи бирма-бир болалар чақирган ўрмон хайвонларини сеҳрли қопдан оладан ва стол ўстига кетма-кетликда қўяди.

Тарбиячи: Барча ўрмон хайвонлари шу ерда. Келинглр улар билан «Forest animals» ўйинини яна ўйнаймиз (Изоҳга қаранг)

Болалар меҳрибон ўрмон хайвонларини «чақирадилар» ёки ёввойи йирткич ўрмон хайвонларини «хайдайдилар».

Тарбиячи: Good for you, kids. Бизлар жуда яхши ўйнадик.Бизнинг хайвонларимиз ҳам чарчадилар ва уйқулари келди. Келинглр улар билан хайрлашамиз. Good - bye, animals! Good - bye, kids!

**3-МАВЗУ: «МЕНИНГ ОИЛАМ/MY FAMILY»
(9-12 МАШҒУЛОТЛАР)**



Машғулотда ўрганадиган сўзлар

9-МАШҒУЛОТ

Бу машғулотда болалар ўрганадилар:

- 1) инглиз тилида 10 гача санашни;
- 2) оила-аъзоларни инглиз тилида қандай айтилишини ўрганиш;
- 3) инсонга нисбатан (Who is it?) саволини беришни ўргатиш;
- 4) рангларни ўргатиш.
- 5) инглиз тилидаги товушларни ўргатиш[i:], [ə:], [iə],

Бу машғулотда керак бўлади:

- 1) Маймунжон-қўғирчоқ Манки;
- 2) панно «My Family»(аппликация шаклидаги турли-хил ранглардан иборат уйча (қизил, тўқ сарик, сарик, яшил, кўк, саисар), ҳар хил рангда уйнинг деразаси ва у деразаларда оиланинг ҳар бир аъзоси (онаси, отаси, бувиси, буваси,укаси, синглиси, чақшюқ ҳамда Манки оиласи акс эттирилган оила аъзолари билан тушган расми;

3) қаттиқ картондан тайёрланган курбақа оила аъзолари (она, дада, опа/сингил ва ака/ука);

4) картондан тайёрланган ховуз

5) инглиз тилидаги товушларни ўргатиш [i:], [ɔ:], [iə],

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Hello, everybody! Good to see you again. Let's begin our English lesson. Today we'll learn how to count to ten. Бугун бизлар 10 гача санашни ўрганамиз. Now close your eyes.

Болалар кўзларини юмадилар ва 10 гача санайдилар.



Манки пайдо бўлади. У панони кўтариб келади (деразалари бор уй)



Тарбиячи: Hello, Monkey! What's this? What have you got?

Манки: It's the house in England where I live with a family. I made it myself yesterday.

Тарбиячи: Болалар, Манки бу уйни кеча тайёрлаганини ва шундай уйда Англияда оила-аъзолари билан яшашлигини айтаяпти. У оила аъзолари билан битта уйда яшайди. He lives with a family.

Манки: It's a very nice family.

Тарбиячи: Манки оиласини жуда яхшилигини айтаяпти, a nice family. Қаранглар уйида деразалари ҳам бор экан! There are

windows in the house! One, two, three, four, five, six windows! Улар хар-хил рангларда! Red, orange, yellow, green, blue, violet. Let's open the red window. (Деразани очади) Oh, who is this, Monkey?

Манки: This is Mother.

Тарбиячи: I see, mother, OK, Monkey, now let's open the orange window. (Олов ранг деразани очади) Who is it?

Манки: This is Father.

Тарбиячи: Father, I see. Тушунарли. Now the (yellow) window. Who's here? (Сарик деразани очади, кейин колган деразаларни)

Манки: This is Sister, (Brother, Grandmother, Grandfather, Baby).

Тарбиячи: Болалар, сизлар қандайдир товушларни эшитмаяпсизми? Деразаларни очаётганимизда қандайдир товушларни эшитаяпман. Now again let's open the red window. [ð]- [ð]- [ð]- [ð]. Ха бу инглизча товушку Englishsound [ð]. У пашшага айланиб деразан учиб ўтаяпти [ð]- [ð]- [ð]- [ð].Келинг қулок солайликчи у кимнинг деразасига учиб кирди экан. Let's open the red window.



Манки: Mother.

Тарбиячи: Болалар эшитдингизми қандай гўнғилляпти English sound [ð]? Clap your hands!

Болалар қарсақ чаладилар.

Тарбиячи: Now, Monkey, open the orange window.

Манки (деразани очади): Father.

Болалар қарсақ чаладилар.

Тарбиячи: Open the yellow window.

Манки (деразани очади): Sister (Brother, Grandmother, Grandfather, Baby).

Болалар кўлларни силкитиб саломлашадилар.

Тарбиячи: Excellent! Аъло. Болалар, сизлар Манкининг оила-аъзоларини яхши эслаб қолдингларми? Келинглар текшириб кўрамиз. Who's behind the red window? Қизил деразада ким бор экан? (Тарбиячи кўрсатгич ёки қалам билан қизил деразани кўрсатади)

Болалар: Mother!

Тарбиячи: And behind the (orange) window is...

Болалар: Father! (Sister, Brother, Grandmother, Grandfather).

Тарбиячи: Excellent! Мана бизлар энди манкини Англияда қандай оилада яшашлигини билиб олдик. Нима деб ўйлайсизлар болалар Англияда оналарини инглиз тилида қандай чақирар эканлар. Демак mother эмас балки бизларга ўхшаб «Mummy», яъни «Ойижон» дейдилар. Агар дадаларини чақирмоқчи бўлсалар father эмас, балки «Daddy», яъни «Дадажон» дейдилар. Мен сизларга яна бир оила, яъни бақалар оиласи ҳақида айтмоқчи эдим, frog-family. Listen to me, please.

This is a big pond. (Картондан тайёрланган «ховуз» кўргазмаси қўйилади)



A frog family lives near the pond. Father Frog (қурбака отани олади) jumps, jumps, jumps and SPLASH! he jumps into the pond (қандай қилиб ота бақани ховузда сузишини кўрсатади). Father Frog can swim.

Frogs can swim and jump.



Phonetic drill

I can swim, swim, swim
I can Dance, dance, dance.
I can walk, walk, walk
I can Jump, jump, jump
I like a frog. Frog, frog, frog

Frogs can swim and jump.



Mother Frog jumps, jumps, jumps and SPLASH! she jumps into the pond, too (қандай қилиб она бақани ховузда сузишини кўрсатади). Mother Frog can swim, too. Brother Frog jumps, jumps, jumps and SPLASH! he jumps into the pond, too. Brother Frog can swim. “Mummy, Mummy watch me! I can swim!” says brother-frog to his mother and he swims and swims and swims. “Daddy, Daddy watch me, I can swim!” says brother-frog to his father and he swims and swims and swims. But Sister Frog cannot swim (сингил бақа ховузга яқинлашди, лекин оёғини дарров тортиб олди). She says: “I cannot swim.”



She wants to swim like her brother. She jumps into the pond SPLASH! (бақа сингил ховузга тушди), but she cannot swim! She cannot swim at all! (So she cries: “Oh, help me, please, help me, I cannot swim!”). Brother-frog helps her out of the pond (бақа ака бақа сингилни қирғоққа олиб чиқади). “All frogs can swim. You must swim, too.”, says Brother Frog. “Watch me, sister!” Brother Frog jumps into the pond and he swims and swims and swims. “Sister, jump into the pond! Swim like me! Swim, sister frog!” Sister Frog jumps into the pond and she swims, too! She cries: “I can swim now! I can swim!” Sister-frog can swim now! All the frog-family can swim!



Тарбиячи: Сизларга бақа хикоям ёқдими? Ҳозир биламиз, сизлардан ким этиборли бўлди экан. Мен бақаларни бирма-бир нима қилганини айтаман сизлар қайси бақа эканлигини топасизлар. - Father Frog, Mother, Frog, Sister Frog или Brother Frog.

Биринчи бўлиб ховузга сакради.

Болалар: Father Frog.

Тарбиячи: Иккинчи бўлиб ховузга сакради.

Болалар: Mother Frog.

Тарбиячи: Бу бақа сузишни билмади.

Болалар: Sister Frog.

Тарбиячи: Бу бақа синглисини қутқарди.

Болалар: Brother Frog.

Тарбиячи: Бу бақа сузишни ўрганди.

Болалар жавоб берадилар.

Тарбиячи: Well! Энди болалар сизлар бақаларнинг сеvimли кўшиғини эшитасизлар. Look at me and do the same!

Walk, walk I can walk

Walk, walk I can walk

Walk, walk I can walk

Like a dog.

(Болалар юришни таклид қиладилар.)

Jump, jump I can jump

Jump, jump I can jump

Jump, jump I can jump

Like a frog.

(Болалар турган жойларида сакрайдилар.)

Mummy, Mummy watch me

Daddy, Daddy watch me.

(Болалар ота-оналарни эътиборини тортиш учун кўкракларига уриб ўзларига каратадилар)

Swim, swim I can swim

Swim, swim I can swim

Swim, swim I can swim

Like a fish.

(Болалар сузишни таклид қиладилар.)

Fly, fly I can fly

Fly, fly I can fly

Fly, fly I can fly

Like a bird

(Болалар қўлларини қанот қилиб тўлқинлантиради)

Mummy, Mummy watch me

Daddy, Daddy watch me

Ана энди сизлар Англиядаги болалар инглиз тилида оналари ва дадаларини қандай чақиришларини билиб олдинглар.



Now it's time to say good-bye. Good-bye, children! See you!

10-МАШҒУЛОТ

Бу машғулотда болалар ўрганадилар:

- 1) инглиз тилида 11 гача санашни ўрганиш;
- 2) You are... конструкциясини қўллашни ўргатиш;
- 3) инглиз тилида оила-аъзоларни айтишни ўргатиш;

4) Yes, it is/ No, it isn't. Конструкциясини қўллашни ўргатиш;

Сизга керак бўлади:

1) Маймунжон –қўғирчоқ Манки;

2) панно «My Family» аппликация кўринишдаги (хар бир деразада оила-аъзолари бор деразалари бор уйча);

3) қўғирчоқ оиласи: она, ота, ўғил, қиз.

4) оила-аъзоларига тегишли бўлган нарсалар ҳақида;

5) видеоролик This is love (хайвонлар оиласи)

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Hello, everybody! Good to see you again. Let's begin our English lesson. Today we'll learn how to count to nineteen. Бугун биз сизлар билан 11гача санашни ўрганамиз. Now close your eyes and count.

Болалар кўзларини юмадилар. Манки пайдо бўлади. Болалар билан саломлашади.

Тарбиячи: Болалар, бугун бизнинг меҳмонимиз бор. Бугун бизга сеҳрли одамлар ташриф буюрдилар. You (сен, сиз) ва унинг кучуги are. Улар бизлар билан «Hello» ўйинини ўйнашмоқчи (Изохга қаранг)

Тарбиячи: Well-done!

Манки: I have brought my house! I want to play with you!

Тарбиячи: Манки мендан сизлар билан ўйнашига руқат беришимни сўраяпти. У ўзининг оиласи билан яшайдиган уйини олиб келганини айтаяпти. У баъзида хато гапирганда, сизлар ўша хатоларни топишингизни айтаяпти. Агар у хаммасини тўғри гапирса, сизлар: «Yes, it is» деб жавоб беринглар. Агар у хато гапирса: «No, it isn't» деб жавоб беринг. Are you ready?

Болалар: Yes, we are!

Манки (онасини кўрсатиб): This is the Father.

Болалар: No, it isn't. This is the Mother.

Манки (синглисини кўрсатиб): This is the Sister.

Болалар: Yes, it is.

Тарбиячи: Very good.

Тарбиячи: Манки ўзининг қариндошларининг нарсаларини қонида олиб келганлигини айтаяпти. Топингчи у нарсалар кимга тегишли экан. Put your hand into the sack and take one thing out of it!

Болалар бирма-бир қопдан нарсалар ола бошлайдилар (кўзойнак, помада, ўйинчоқлар, галстук...)

Тарбиячи: It belongs to...

Болалар: father, mother, granny, sister, brother.

Тарбиячи: Болалар, ўтган машғулотимизда сизга айтиб берган эртагимни эслайсизми. Келинлар уни эслаймиз. Қаранглар менинг қўлимда нима бор (қурбақа ниқобини чиқаради). Келинлар инглиз тилидаги шеърни айтиб ким қурбақа эканлигини топамиз:

Еену, меену, мину, мое,

Catch a tiger by the toe.

Шеър орқали танланган болага қурбақа маскаси тақилади.

Тарбиячи: This is a big pond (хонада жойни кўрсатади). Мана ховуз. The frog family lives near the pond.

Father Frog goes jump, jump, jump and SPLASH! he jumps into the pond (биринчи бола ота қурбақани тасвирлайди).

Биринчи бола (ота): I am Father Frog. I can swim!

Father Frog can swim. Mother Frog goes jump, jump, jump and SPLASH! she jumps into the pond, too (2-чи бола она қурбақани тасвирлайди).

2-чи бола (она): I am Mother Frog. I can swim, too!

Тарбиячи: Mother Frog can swim, too. Brother Frog goes jump, jump, jump and SPLASH! he jumps into the pond, too (3-чи бола қурбақа акани тасвирлайди). Brother Frog can swim.

3-чи бола (ака): I am Brother Frog. Mummy, Mummy watch me! I can swim! Daddy, Daddy watch me, I can swim!

Тарбиячи: But Sister Frog cannot swim (4-чи бола ховузга яқинланади ва ховузга туша олмайди).

4-чи бола (сингил): I am Sister Frog. I cannot swim. (Йиғлайди).



Тарбиячи: She wants to swim like her brother. She jumps into the pond SPLASH! (курбақа сингил «ховуз»га сакрайди) but she cannot swim! She cannot swim at all! So she cries...

4-чи бола (сингил): Oh, Brother Frog, help me, please, help me, I cannot swim!

Тарбиячи: Brother-frog helps her out of the pond (курбақа ака сингил курбақани қирғокқа олиб чиқади).

3-чи бола (ака): All frogs can swim. Watch me, sister!

Тарбиячи: Brother Frog jumps into the pond and he swims and swims and swims.

3-чи бола (ака): Sister, jump into the pond! Swim like me! Swim, Sister Frog!

Sister Frog jumps into the pond and she swims, too! She cries...

4-чи бола (сингил): I can swim now! I can swim! («Ховуз»да сузишни ўрганеди).

Тарбиячи: Sister-Frog can swim now! All the frog-family can swim!

Тарбиячи: Very good, kids! And now let's have a rest and watch the film about animals. Болалар ҳайвонлар оиласи ҳақидаги филмни кўрадилар.

Тарбиячи: Our lesson is over. Thank you, kids! Good - bye!

11-МАШҒУЛОТ

Бу машғулотда болалар ўргандилар:

- 1) инглиз тилида 12 гача санашни ўргандилар;
- 2) оила-аъзоларни инглиз тилида айтилишини такрорлаш;
- 3) баъзи феълларни қайтариш (walk, jump, swim, fly);

4) “Yes, it is”, “Yes, I do” конструкцияларни қўллаб саволларга тўғри жавоб бериш;

5) турли-хил рангларни инглиз тилида қандай номланишини ўргатиш;

6) I have... иборасини ўргатиш;

Бу машғулотга керак бўлади:

1) маймунжон -қўғирчоқ Манки;

2) рангли қаламлар (6 хил ранглар)

3) 4-5 қатта қоғоз;

4) 10-12 рангли карточкалар;

5) турли-хил кўринишдаги ўйинчоқлар (болалар биладиган ўйинчоқлар);

6) оила-аъзолари тасвирланган расмлар (дадалар, оналар, бувилар, бувалар, ака/укалар, опа/сингиллар);

7) “My family” қўшиғи.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Hello, children! I am glad to see you. Let’s begin our English lesson. Today we’ll learn how to count to twelve. Биз бугун 12 гача санашни ўрганамиз. Now close your eyes.



Болалар кўзларини юмадилар ва 12 гача санайдилар.

Манки пайдо бўлади. Болалар билан саломлашади.

Манки рангли қаламларни олади.

Тарбиячи: Oh, Monkey, what is it? What have you got?

Манки: These are colour pencils. I have got six. Look, one, two, three, four, five, six.

Тарбиячи: Болалар Манки нима деганига тўлиқ тушуна олмадингиз, тўғрими?. Сабаби сизлар инглиз тилида менда бор”I

have got...” иборасини билмайсизлар. Бугун эса сизлар билши бу иборани ўрганамиз.



Манки тарбиячи қулоғига нимадир деб шивирлайди.

Тарбиячи: Болалар манки ўзи билан керакли нарсалар олиб келганини ва менда бор деб нарсаларини сизларга кўрсатмоқчи экан, фақатгина инглиз тилида менда бор конструкциясини айта олмай қийналяпти экан ва у сизлардан шу конструкцияни айтишни ўргатиб қўйишингизни сўраяпти. Нима қиламиз болалар ёрдам берамизми?

Болалар: “Yes” деб жавоб берадилар.


Манки: (Тарбиячи Манкини қўлига кийган холда сеҳрли қопдан бирма-бир нарсаларни олади ва инглиз тилида менда бор қурилмаси ёрдамида болаларга қараб айтади: I have got a ball, I have got a pencil, I have got a pen, I have got a father....

Тарбиячи: Энди болалар қани Манкига ўргатамиз. Ҳозир сизлар навбатма-навбат сеҳрли қопдан нарсаларни оласиз ва инглиз тилида менда бор деб гапингизни айтасиз, хўпми азизларим.

Болалар: “Yes”

1-чи бола: I have got (қопдан болаларга таниш бўлган, ўрганилган ўйинчоқ айикни олади) а Teddy bear.

Have you got a pet?



2-чи бола: I have got(копдан болаларга таниш бўлган, ўрганилган ўйинчок айиқни олади) a rabbit.

Шундай тарзда бу машқ бажарилади.

Тарбиячи (Манки олиб келган қаламларни кўрсатади): Вой бизнинг умуман эсимиздан чиқибти, Манки рангларни инглиз тилида айтмоқчи эдику. Манки, what are these colours? Name them, please.

Манки: Red, yellow, green, blue, brown, black

Тарбиячи: Very good, Monkey, you know the colors. Болалар сизлар қаламлар билан қандай ўйнашни биласизларми? (Вертикал холатда (доскага) катта қўғозни ёпиштиради).«Who is it?» деб ўйин номланади(Изоҳга қаранг).

Тарбиячи: Very good, kids, you can guess very well. Болалар эслангларчи оналаримизни эркалаб қандай чақирап эдик.

Болалар: Mummy.

тарбиячи: Даданичи?

Болалар: Daddy.

Тарбиячи: Буви ва боболарни эркалаб инглиз тилида—grandma и grandpa дейилади. Қани мендан сўнг қайтаринглар—grandma и grandpa...

Болалар яхшиси келинлар сизлар билан инглиз тилида оила-аъзоларимиз ҳақидаги қўшиқни ўрганамиз («My family and me” қўшиғи куйланади)



Mummy and daddy,
Sister and brother,
Grandma and grandpa,
My family!
Mummy and me,
Daddy and me,

My family,
I love my family!
Sister and me,
Brother and me
My family,
I love my family!
Grandma and me,
Grandpa and me
My family
I love my family,
I love my family,
I love my family
My family loves me!
Тарбиячи: Thank you, kids! Good - bye!

12-МАШҒУЛОТ

Бу машғулотда керак бшлади:

- 1) инглиз тилида 13 гача санашни ўрганадилар;
- 2) оила-аъзоларни инглиз тилида айтилишини такрорлаш;
- 3) I, You, He, She, It кишилик олмошларини ўргатиш;
- 4) cry, jump, swim, dance феълларини ўргатиш;

Бу машғулотда сизга керак бўлади:

- 1) маймунжон- кўғирчок Манки;
- 2) кўғирчок – аъло аъзолари;
- 3) I, You, He, She, It ва унинг кучукчалари am, are, is;
- 4) бир нечта ўйинчоклар;
- 5) оила аъзолар тасвирланган расмлар (оталар, оналар, бувилар, бувалар, ака-укалар, опа-сингиллар);

6) “My family” кўшиғи

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Hello, children! I am glad to see you. Let's begin our English lesson. Today we'll learn how to count from one up to thirteen. Бугун биз болалар сизлар билан 13 санашни ўргандик . Now close your eyes.

Болаларни кўзларини юмадилар ва 13гача санайдилар.

Манки пайдо бўлади ва болалар билан саломлашадилар.

Тарбиячи: Вой болалар ким тақиллатяпти? (тарбиячи болаларга билдирмасдан тақиллатади). Ахир булар Англиядан келган сеҳрли сўзларку. Who is it?

Болалар: I

Тарбиячи: Унинг кучукчаси қандай номланади?

Болалар: Am

Тарбиячи: Бу одамчанинг исми нима?

Болалар: You

Тарбиячи: Унинг кучукчасини исмичи?

Болалар: are

Тарбиячи: Болалар,келинглар сизлар билан «Hello»! ўйинини ўйнаймиз. Let's play together! (Изоҳга қаранг)

Тарбиячи: Very good. Бизга меҳмонлар ташриф буюрдилар. Бу одамча He (у), унинг синглиси She (у) ва укаси It (у). Уларнинг севимли кучукчаси is. Улар сизлар билан ўйнашни хохлайдилар! Улар ўзлари билан тўла қопда ўйинчоқлар олиб келибдилар. Хозир ҳар биринглар қопдан ўйинчоқлардан оласизлар ва қопдан қайси ўйинчоқни олса ўша ўйинчоқ номини инглиз тилида айтади. Агар кўғирчоқ ўғил-бола бўлса «He is a boy (у ўғил бола)».Агар қиз бола бўлса «She is a girl (у қиз бола)», агар у хайвон бўлса, it is a bear (у айик) деб айтишингиз керак.

Are you ready?

Болалар: Yes, we are!

Болалар ўйнайдилар:

